2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 100 (1699), 2026 йил 19 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ШАҲАРЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН НОЁБ ИМКОНИЯТ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 17-18 май кунлари амалий ташриф билан Боку шаҳрида бўлди.**






Президент Шавкат Мирзиёев 18 май куни БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури шафелигида Боку шаҳри мезбонлик қилган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси очилиш маросимида иштирок этди.

Пойтахтнинг Конгресс-марказида давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамда БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах кутладилар.

Иштирокчиларнинг биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтди.

Бу галги форумнинг мавзуси — “Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар”.

Форум кун тартибидан шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини замонавий ва арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда уй-жойни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрин олди.

Тадбирда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Сербия Президенти Александр Вучич, Болгария Президенти Илияна Йотова, Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах ҳамда қатор бошқа хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар вакиллари қатнашди.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУТУНЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯ ФОРУМИ 13-СЕССИЯСИНИНГ ЕТАКЧИЛАР САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Илҳом Ҳайдарович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясида, глобал тараққиётнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинаётган нуфузли мулоқот майдонида кўриб турганимдан беҳад мамнунман.

Бугунги анжуман “Каспий дурдонаси” бўлмиш гўзал Бокуда юқори даражада ташкил этилгани ва бизга кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Ҳайдарович Алиевга чуқур миннатдорлик билдираман.

Бутун Озарбайжон диёрида, айниқса, Қорабоғ заминида улкан бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Озод қилинган ҳудудларда қисқа муддатларда бутун бошли шаҳарлар қайта тикланиб, янги турар жой мажмуалари, замонавий инфратузилма объектлари барпо этиляпти.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб ишларга муносиб ҳисса қўшишга Ўзбекистон доим тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Кун тартибига қўйилган “Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар” масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Таҳлилларга кўра, XXI аср ўрталарига бориб, сайёрамиз аҳолисининг қарийб 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади.

Айни пайтда урбанизация жараёни ўзи билан бирга қатор ижтимоий муаммоларни ҳам кучайтириб бормоқда.

Бугун дунёда қарийб 3 миллиард инсон бирламчи яшаш шароитларидан маҳрум. Уларнинг бир миллиарддан зиёди норасмий турар жойлар ва харобаларда кун кечирмоқда, 300 миллиондан ортиқ одам эса умуман бошпанага эга эмас. Иқлим ўзгаришлари, таҳликали халқаро вазият ва иқтисодий инқирозлар глобал миграциянинг янги тўлқинларини пайдо қилиб, давлатлар ва шаҳарлар ўртасида аҳолининг қайта тақсимланишига олиб келмоқда. Оддий қилиб айтганда, урбанизация жараёнлари глобал барқарорлик ва хавфсизликка тўғридан тўғри таъсир кўрсатувчи жиддий омилга айланмоқда.

Буларнинг барчаси ҳаммамиздан қатъий ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Азиз дўстлар!

Шаҳарларни барқарор ривожлантириш масаласи Янги Ўзбекистон учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Яқин 15 йил ичида мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан 50 миллион нафарга, урбанизация даражаси эса 51 фоиздан 65 фоизга етиши кутилмоқда. Биз буни ҳудудларимизни мутаносиб ривожлантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ноёб имконият деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда Ўзбекистонда охирги ўн йилда қурилаётган уй-жойларнинг йиллик сони 10 баробар ошиб, 2025 йилда 238 мингта хонадонга етди, 2030 йилда ушбу рақамни яна 1,5 баробар оширамиз; аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш дастурларига ҳар йили бюджетдан қарийб 2 миллиард доллар маблағ ажратилмоқда; норасмий турар жойлар муаммосини ҳал қилиш учун 2024 йилда алоҳида қонун қабул қилиниб, 100 мингга яқин уйга ҳужжат расмийлаштириб берилди; эскирган уй-жойларни янгилаш мақсадида реновация ҳисобига қуриладиган хонадонлар улушини 15 фоиздан 60 фоизга етказиш режа қилиб олинди.

Ушбу жараёнларни самарали бошқариш мақсадида Урбанизация миллий қўмитаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, “Яшил макон”, “Тоза ҳаво” дастурлари доирасида шаҳарларда яшиллик даражасини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш маррасини олганмиз.

Шаҳарларни ободонлаштириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши бўйича анъанавий тузилма — маҳалла институтига кенг таянамиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Икки миллион аҳолига мўлжалланган “Янги Тошкент” мегалойиҳаси биз амалга ошираётган урбанизация стратегиясининг яққол намунасидир. Ушбу лойиҳада замонавий шаҳарсозликнинг энг илғор ечимлари — “яшил”, “ақлли”, “хавфсиз”, “15 дақиқали” шаҳар тамойиллари тўлиқ ҳисобга олинган.

Биринчи босқичнинг ўзида бу ерда қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ инвестиция лойиҳаларини бошладик.

Лойиҳа концепцияси тақдимоти форум доирасида ташкил этилган “Urban Expo” кўргазмасида намойиш этилмоқда.

Энг муҳими, бу каби лойиҳалар нафақат пойтахтда, балки “Янги Ўзбекистон” массивлари номи остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 61 та ана шундай массив бунёд этилди, 2030 йилга бориб эса уларнинг сони 100 тага етади.

Шу ўринда урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасидаги ишларимизда бизга яқин кўмакдош бўлиб келаётган БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах хонимга ҳамда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи молия институтларига ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Бугун муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқчиман.

**Биринчидан,** барча ҳудудларда аҳоли учун тенг яшаш шароитларини яратиш кичик ва ўрта шаҳарларни уйғун ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Шу сабабли ҳамкор давлатларни шаҳарларни ривожлантиришда “мутаносиб урбанизация” тамойилини кенг жорий этишга чақираман.

**Иккинчидан,** шаҳар бошқарувида сунъий интеллект ва рақамли трансформация имкониятларидан барча давлатлар тенг фойдалана олиши зарур.

Ушбу соҳада технология, стандартлар ва тажрибаларни тизимли алмашишга қаратилган халқаро “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни тузишни таклиф қиламан.

**Учинчидан,** ёшлар ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини сифатли ҳамда арзон уй-жойлар билан таъминлаш жуда муҳим.

Шу мақсадда келгуси йилда Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишига молия ва инвестицияларни жалб этишдаги янгича ёндашувлар юзасидан халқаро форум ўтказишга тайёрмиз.

**Тўртинчидан,** глобал иқлим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда “яшил шаҳарлар”ни барпо этишнинг умумий тамойиллари ва стандартларини қабул қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шаҳарларнинг табиат билан уйғун ривожланишини рағбатлантириш мақсадида БМТ-Ҳабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этишни таклиф қиламан.

**Бешинчидан,** урбанизация даражасининг ўсиши шаҳарлардаги ўзини ўзи бошқаришнинг анъанавий тузилмалари ролини янада оширмоқда.

Шу муносабат билан Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказишни ва унинг бош мавзусини “Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни” деб номлашни таклиф этаман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги тадбир ўзаро манфаатли ва истиқболли масалалар юзасидан биргаликда ечимлар топишга, янги ташаббусларга йўл очиш ва соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман.

Сўзимнинг якунида форум ишига улкан муваффақиятлар тилайман.




# “ЮРТ ҚАЙҒУСИДА 365 КУН”

## Тақдимот

**Донишманд халқимизда “Виждонан қилинган меҳнатдан — нажот, адолатдан ютуқ ва зафар ҳосил бўлади” деган пурмаъно нақл бор. Ҳақ гап. Буни халқимиз орзу қилган янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг кўламли тарихий ислоҳотларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги самараси мисолида ҳам кўриб, ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз. Энг муҳими, бу ислоҳотлар йилдан йилга жадаллашиб, ортга қайтмас тус олди.**

Куни кеча Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида ана шундай тарихий ва оламшумул ислоҳотларимизни кўз олдимизда намоён қиладиган, бир йиллик ютуқларимизни ягона нуқтага жамлаган, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, Президентимизнинг 2025 йилдаги сермаҳсул фаолияти, тинимсиз меҳнати, уйқусиз тунлар машаққати, халқ дарди билан куйиб-ёниш саодати хронологияси ўрин олган асар — “Юрт қайғусида 365 кун” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

*Давоми 3-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

**Муҳим янгилик**

**Куни кеча Лондон фонд биржасида Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси акцияларининг бирламчи оммавий жойлаштирилиши (IPO) жараёнига бағишланган расмий тадбир бўлиб ўтди.**




Мазкур воқеа мамлакатимиз капитал бозорини халқаро молия майдонига олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиёти тарихида янги саҳифа очди.

Жамғарманинг Лондон биржасига чиқиши Президентимизнинг юртимиздаги кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, очиқлик ва шаффофлик тамойилларини кенгайтириш ҳамда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг амалий ифодасидир.

Лондон фонд биржаси халқаро молия бозорлари инфратузилмаси соҳасида фаолият юритувчи глобал компания бўлиб, 300 йилдан ортиқ вақт давомида мижозлар ишончини қозониб келмоқда. Компания капитал жалб қилиш, интеллектуал мулк, рискларни ва балансни бошқариш соҳаларида бой тажрибага эга. Молиявий индекслар, бенчмарклар ва аналитик хизматлар бўйича жаҳон етакчиларидан бири сифатида халқаро капитал бозорларига кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Мамлакатимиз тарихида илк бор халқаро бозорда акцияларнинг дастлабки оммавий жойлаштирилиши Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорларидаги иштирокини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва шаффоф тизимни жорий этишга кучли туртки беради. Бу жараён айни пайтда хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистондаги таркибий янгиланишларга юқори ишончини намоён этади ва халқаро инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда маҳаллий компаниялар салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 19 май, 100-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ШАҲАРЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН НОЁБ ИМКОНИЯТ

Бошланиши 1-бетда

Форумда шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда уй-жой қурилишини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида форумнинг "Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар" мавзуси жадал урбанизация шароитида бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Таҳлилларга кўра, XXI аср ўрталарига бориб, сайёрамиз аҳолисининг қарийб 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади.

Давлатимиз раҳбари урбанизация жараёнларининг жадаллашуви ижтимоий муаммоларни ҳам кучайтириб бораётганини қайд этди. Бугун дунёда қарийб 3 миллиард инсон бирламчи яшаш шароитларидан маҳрум, уларнинг бир миллиарддан зиёди норасмий турар жойлар ва харобаларда кун кечирмоқда, 300 миллиондан ортиқ одам эса умуман бошпанага эга эмас. Иқлим ўзгаришлари, таҳликали халқаро вазият ва иқтисодий инқирозлар глобал миграциянинг янги тўлқинларини пайдо қилиб, шаҳарлар юкламасини қўшимча равишда оширмоқда.

— Оддий қилиб айтганда, урбанизация жараёнлари глобал барқарорлик ва хавфсизликка тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи жиддий омилга айланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шаҳарларни барқарор ривожлантириш Янги Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга масалалардан бири эканини таъкидлади. Яқин 15 йил ичида мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан 50 миллион нафарга, урбанизация даражаси эса 51 фоиздан 65 фоизга етиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизда шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қурилишини кенг кўламда ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Охирги ўн йилда қурилаётган уй-жойларнинг йиллик сони 10 баробар ошиб, 2025 йилда 238 мингта хонадонга етди, 2030 йилда эса бу кўрсаткич яна 1,5 баробар ошади. Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш дастурларига ҳар йили бюджетдан қарийб 2 миллиард доллар маблағ ажратилмоқда.

Норасмий турар жойлар муаммосини ҳал қилиш учун 2024 йилда алоҳида қонун қабул қилиниб, 100 мингга яқин уйга ҳужжат расмийлаштириб берилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда эскирган уй-жойларни янгилаш бўйича реновация дастури амалга оширилиб, янгиланган хонадонлар улушини 15 фоиздан 60 фоизга етказиш назарда тутилган.

Ушбу жараёнларни самарали бошқариш мақсадида Урбанизация миллий қўмитаси ташкил этилди.

Шаҳарларнинг экологик барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Яшил макон", "Тоза ҳаво" дастурлари доирасида шаҳарларда яшиллик даражасини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳоли турмуш сифатини оширишда маҳалла институти муҳим ўрин тутишини ҳам алоҳида таъкидлади.

"Янги Тошкент" мегалойиҳасига алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда "яшил", "ақлли", "хавфсиз", "15 дақиқали" шаҳар тамойиллари тўлиқ ҳисобга олинган. Биринчи босқичнинг ўзида қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланган.

— Энг муҳими, бу каби лойиҳалар нафақат пойтахтда, балки "Янги Ўзбекистон" массивлари номи остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 61 та ана шундай массив бунёд этилди, 2030 йилга бориб эса уларнинг сони 100 тага етади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида бир қатор халқаро ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта шаҳарларни уйғун ривожлантириш мақсадида "мутаносиб урбанизация" тамойилларини кенг жорий этишга чақирди.

Халқаро "Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси"ни ташкил этиш ташаббуси билдирилди. Тузилма шаҳар бошқарувини рақамли трансформация қилиш соҳасида технологиялар, стандартлар ва энг яхши тажрибалар билан алмашиш учун платформа вазифасини бажаради.

Ёшлар ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини сифатли ҳамда арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2027 йилда Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишига молия ва инвестицияларни жалб этишдаги янгича ёндашувлар юзасидан халқаро форум ўтказиш таклиф қилинди.

Экологик барқарор шаҳарларни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида БМТ-Ҳабитатнинг "Яшил шаҳар" халқаро мукофотини таъсис этиш ҳам яна бир муҳим ташаббус бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказишни ва унинг бош мавзусини "Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни" деб номлашни таклиф қилди.

Саммит доирасида бошқа хорижий делегациялар раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисини Бутунжаҳон урбанизация форумининг муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий табриклади.

Аввалги олий даражадаги мулоқотлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлашнинг ижобий суръати қайд этилди. Йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 40 фоиздан зиёдга ошди.

Қурилиш, тоғ-кон саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда биргаликдаги инвестицияларни, шу жумладан, Қўшма инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Етакчилар транспортга оид ташаббусларни амалга ошириш ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Сербия муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Асосий эътибор товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, машинасозлик, қайта ишлаш, кимё ва электротехника саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ҳамда туризм каби соҳаларда кооперация дастурини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилди.

Гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, ректорларнинг биринчи форуми ҳамда Кино ва маданият кунларини ўзаро ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Етакчилар халқаро кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Бутунжаҳон урбанизация форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури (БМТ-Ҳабитат) ижрочи директори Анаклаудия Россбах билан ҳам учрашув ўтказди.

БМТ-Ҳабитат билан шаҳарларни барқарор ривожлантириш, шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда шаҳарсозлик соҳасида замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўтган йили Самарқанд иқлим форуми доирасида бўлиб ўтган учрашувда эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди. Ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, қўшма "йўл харитаси"ни тайёрлаш, соҳага оид лойиҳаларни илгари суриш ҳамда экспертлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан Бутунжаҳон урбанизация форумида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА**



# 10 ЙИЛЛИК ДЎСТЛИК ЙЎЛИ – ҚАРДОШЛИКДАН ИТТИФОҚЧИЛИККАЧА



## Ўтмиш — бугуннинг пойдевори

**Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,**
**Икки қуёш авжи бўлди бир бурж,**
**Бир соғар аро тушуб ики мул,**
**Бир ғунча аро бутуб ики гул.**

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сатрлари ўзбек ва озар халқлари биродарлиги тарихи ва бугунги кунини ифодалаш учун жуда мос, назаримизда. Зеро, ягона илдиз, азалий дўстлик, умумий маънавий меросга эга элларимиз бугун ҳам умумий тараққиёт сари ишонч билан одимламоқда.

Тарих зарварақлари бу икки халқнинг тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига нечоғлик яқинлигидан гувоҳлик беради. Масалан, XI-XIV асрлар оралиғида ҳукмронлик қилган Салжуқийлар салтанатида ҳозирги Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг салмоқли ҳудуди бир давлат таркибига кирган.

Темурийлар даврида бир-бирига янада яқинлашган бу икки халқ орасида қуда-андачилик муносабатлари йўлга қўйилгани, айрим темурий шаҳзодаларга озарбайжонлик мударрислар устозлик қилгани ҳам маълум.

Ўзбек генерали Собир Раҳимов Бокуда таҳсил олган, Самад Вурғун ва Абдулла Орипов ҳар икки элнинг "ўз шоири"га, Мақсуд Шайхзода эса "ўзбек фарзанди"га айланган. Бундай мисоллар саноқсиз...

Алҳол, Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари бугун мисли кўрилмаган юқори чўққига кўтарилгани мутлақо тасодиф эмас. Илло, охирги 10 йилни озар-ўзбек дўстлиги китобининг тож саҳифалари, десак ҳечам муболаға бўлмас...

## Юксак манзиллар сари...

2016 йил Ўзбекистон ташқи сиёсатида бурилиш нуқтаси бўлди — Тошкент ташқи сиёсий фаолликни кескин оширди. Марказий Осиё, Кавказ ва туркий дунё билан муносабатларни қайта тиклаш ва чуқурлаштириш эса мамлакат янги ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ана шу жараёнда Озарбайжон билан муносабатлар алоҳида аҳамият касб этиб, икки томонлама дипломатик алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Авваллари Ўзбекистон — Озарбайжон муносабати совуқ ёки зиддиятли бўлмаса-да, ўзаро алоқаларга юқори даражадаги стратегик суръат етишмасди. Икки давлат ўртасида тарих, маданият ва тил яқинлиги мавжуд ўлароқ, сиёсий мулоқот чекланган, иқтисодий айирбошлаш паст даражада эди. Айниқса, транспорт-логистика, энергетика ва минтақавий кооперация каби соҳалардаги улкан салоҳият амалий натижага айланмаган. Айнан шундай мураккаб бир вазиятда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг сиёсий иродаси ва қатъий интилишлари, таъбир жоиз бўлса, "музлаган имкониятлар"ни ҳаракатга келтирди.

Тошкент ва Боку яқинлашувига бир неча омил туртки берди. Биринчидан, ҳар икки давлат ташқи сиёсатда кўп қиррали ёндашувни танлади. Иккинчидан, туркий давлатлар ўртасида интеграция жараёни кучайди. Учинчидан, Россия — Ғарб қарама-қаршилиги кучайиб бораётган шароитда Марказий Осиё ва Кавказни боғловчи янги транзит йўлакларига эҳтиёж ортди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Озарбайжон географик жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи давлатларга айланди.

2017-2018 йиллардан бошлаб икки давлат раҳбарлари ўртасида мунтазам сиёсий мулоқот шаклланди. Олий даражадаги ташрифлар фақат рамзий дипломатик тадбирлар бўлиб қолмади, балки аниқ иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳалар билан тўлдирилди. Натижада муносабатлар декларатив форматдан амалий стратегик шериклик босқичига кўчди.

Муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистон Озарбайжонни нафақат Кавказ давлати, балки Марказий Осиёни жаҳон бозорларига боғловчи геостратегик кўприк сифатида кўра бошлади. Айниқса, Каспий орқали Европа йўналишига чиқиш масаласи Тошкент учун устувор аҳамият касб этди. Бу эса Бокунинг транспорт-логистика маркази сифатидаги ролини кучайтирди.

Сўнгги йилларда "Ўрта йўлак" деб аталувчи Транс-Каспий халқаро транспорт йўлаги икки давлат муносабатларининг муҳим геоиқтисодий устунига айланди. Хитой — Марказий Осиё — Кавказ — Европа йўналиши орқали товар айланмасини ошириш режаси Тошкент ва Боку манфаатларини бир нуқтада бирлаштирди. Россия орқали ўтувчи анъанавий йўналишларга муқобил транспорт тармоғига эҳтиёж кучайгани сари Ўзбекистон учун Озарбайжоннинг аҳамияти янада ортди.

Иқтисодий рақамлар ҳам муносабатдаги янги динамикани кўрсатади. Таҳлилларга кўра, 2016 йилдан кейин икки давлат ўртасидаги товар айланмаси бир неча баробар ортди. Айниқса, кейинги йилларда бу рақам барқарор ўсиш хусусиятини олди.

Энг муҳими, муносабатлар фақат иқтисодий прагматизм билан чекланиб қолмади. Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарияти муносабатларни "қардошлик", "иттифоқчилик", "туркий бирлик" каби сиёсий-цивилизацион тушунчалар билан бойитди. Бу эса ҳамкорликка мафкуравий ва маънавий таянч берди. Айниқса, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги яқинлашув икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ишончни сезиларли даражада кучайтирди.

2024 йил муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди: икки давлат ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжат алоқалар энг юқори сиёсий даражага чиққанини англатади. Шу тариқа Тошкент ва Боку муносабатлари стратегик шерикликдан узоқ муддатли геосиёсий мувофиқликка асосланган иттифоқчилик моделига кўтарилди.

Хуллас, Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари босқичма-босқич геоиқтисодий манфаат, транспорт хавфсизлиги, туркий интеграция ва минтақавий сиёсий яқинликка таянган шерикликка айланди. Бу яқинлашув тасодифий эмас, балки янги Евроосиё геосиёсий муҳитида шаклланган прагматик ва узоқ муддатли манфаатлар инъикосидир.

## Иқтисодий дипломатия, транспорт йўлаклари ва энергетик манфаатлар уйғунлиги

Ҳозирги муносабатларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳамкорлик сиёсий баёнотлардан иқтисодий прагматизмга ўта бошлаганидир. Аввалги йилларда асосий урғу қардошлик ва маданий яқинликка берилган, кейинги босқичда транспорт, логистика, саноат кооперацияси ва инвестиция асосий йўналишларга айланди. Бу икки давлат алоқаларини ҳиссий дипломатиядан амалий геоиқтисодий шериклик даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон учун Озарбайжоннинг асосий стратегик аҳамияти Каспий минтақасидаги транзит имкониятида намоён бўлади. Денгизга чиқиш имкони бўлмаган Ўзбекистон ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилишга киришган. Айниқса, Россия орқали ўтувчи анъанавий транспорт тармоқларига геосиёсий босим кучайган шароитда Тошкент янги йўлаклар излашни тезлаштирди. Ана шу нуқтада Боку Марказий Осиёни Европа ва Қора денгиз бозорлари билан боғловчи муҳим тугунга айланди.

Боку — Тбилиси — Карс темир йўли, Алят халқаро денгиз порти ва Транс-Каспий транспорт инфратузилмаси Ўзбекистон ташқи иқтисодий стратегиясида тобора муҳим ўрин эгаллай бошлади. Хусусан, мамлакат юкларини Каспий орқали Озарбайжонга, кейин Туркия ва Европа бозорларига етказиш режаси сўнгги йилларда анча фаоллашди. Бу жараён фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий мустақиллик нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, транспорт йўналишлари кўпайиши ташқи босимга қарамликни камайтиради.

2022 йилдан кейин Россия — Украина уруши туфайли глобал логистика тизими жиддий ўзгаришга учради. Жумладан, "Ўрта йўлак" лойиҳаси халқаро сиёсатнинг марказий мавзуларидан бирига айланди. Хитой ва Марказий Осиёдан Каспий денгизи орқали Озарбайжон, Грузия ва Туркияга чиқувчи мазкур йўналиш бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам геосиёсий аҳамият касб этди. Ўзбекистон айнан шу йўлакда фаол иштирокчи бўлишга интилди.

Боку эса бу жараёнда фақат транзит ҳудуд эмас, балки минтақавий логистика архитектурасининг марказий иштирокчиси сифатида ҳаракат қилди.

Озарбайжон ҳукумати сўнгги йилларда портлар, темир йўллар ва божхона инфратузилмасини модернизация қилишга катта маблағ йўналтирди. Бу эса Ўзбекистон учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар яратмоқда.

Транспорт соҳасидаги яқинлашув саноат кооперацияси билан ҳам мустаҳкамланди. Хусусан, автомобиль саноати икки давлат муносабатлари янги йўналишига айланди. Ўзбекистоннинг "UzAuto Motors" компанияси ва Озарбайжондаги ҳамкорлар иштирокида Ҳожигабул саноат зонасида автомобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бу оддий йиғув корхонаси эмас, балки технология, капитал ва бозорни бирлаштиришга қаратилган саноат интеграцияси намунаси сифатида баҳоланди.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика соҳаларида ҳам кооперация лойиҳалари кенгайди. Муҳим жиҳат шундаки, икки давлат муносабатларида "харидор — сотувчи" модели эмас, балки қўшма ишлаб чиқариш механизми шакллана бошлади. Бундай ёндашув муносабатларни изчил ва барқарор қиладиган омил ҳисобланади.

Инвестиция соҳасида ҳам янги босқич кузатилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон қўшма инвестиция фонди ташкил этиш бўйича келишувга эришди. Ушбу жамғарма орқали энергетика, инфратузилма, қурилиш ва саноат лойиҳаларини молиялаштириш назарда тутилган. Айни механизм икки давлат муносабатларини декларатив сиёсий яқинликдан институционал иқтисодий шерикликка олиб ўтади.

Маълумки, энергетика соҳаси ўзаро муносабатларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада икки давлат манфаатлари бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга. Озарбайжоннинг энергетика инфратузилмаси ва экспорт тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим модель сифатида кўрилади. Яъни Каспий орқали энергия ташиш йўлаклари келажакда Марказий Осиё ресурсларини Ғарб бозорларига чиқаришда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Сўнгги йилларда "яшил" энергетика соҳасидаги ҳамкорлик фаол муҳокама қилинмоқда. Озарбайжон Қора денгиз орқали Европа бозорларига "яшил" энергия экспорт қилиш стратегиясини илгари сурган. Ўзбекистон эса қайта тикланувчи энергия соҳасида йирикислоҳотларни бошлаган. Шу сабабли келажакда мазкур соҳадаги ҳамкорлик янада чуқурлашиши эҳтимоли юқори.

Яна бир муҳим жиҳат — Ўзбекистон ва Озарбайжон ташқи иқтисодий сиёсатда бир-бири учун муқобил эмас, балки яқин шерик давлатларга айланмоқда. Марказий Осиё ва Кавказ ўртасидаги иқтисодий интеграция айнан шу икки давлат фаоллиги натижасида тезлашмоқда. Бу тенденция Евроосиёда янги иқтисодий макон шаклланаётганини кўрсатади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг асосий мазмуни сиёсий баёнотларда эмас, балки транспорт йўлаклари, саноат кооперацияси, инвестиция механизми ва геоиқтисодий манфаатлар уйғунлигида намоён. Давлатларимиз ҳамкорлиги эндиликда янги минтақавий иқтисодий архитектура қурилишининг муҳим занжири сифатида эътироф этилмоқда.

## Туркий дунё, хавфсизлик архитектураси ва Ўзбекистон — Озарбайжон иттифоқчилигининг келажак формуласи

Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини фақат икки томонлама дипломатик алоқалар сифатида баҳолаш етарли эмас. Сўнгги йилларда бу яқинлашув кенгроқ геосиёсий жараён — туркий давлатлар интеграцияси, Евросиёдаги кучлар мувозанати ўзгариши ва янги минтақавий хавфсизлик манзараси шаклланиши билан узвий боғланди. Шу нуқтаи назардан, Тошкент ва Боку энди шунчаки ҳамкорлар эмас, балки янги сиёсий макон қурилишининг муҳим бўғинларидир.

2019 йил Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига қўшилиши муносабатларда янги босқични бошлаб берди. Бу қарор ташқи сиёсатдаги рамзий қадам эмас, балки Тошкентнинг ўз геосиёсий идентификациясини қайта белгилай бошлаганини англатди. Ўзбекистон бир вақтлар туркий интеграцияга эҳтиёткор ёндашган бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев даврида мазкур платформани ташқи сиёсатнинг муҳим воситаси сифатида қабул қилди.

Айни жараёнда Президент Илҳом Алиев раҳбарлигидаги Озарбайжон муҳим роль ўйнади. Зеро, Боку Туркия билан бир қаторда туркий интеграциянинг энг фаол сиёсий марказларидан бири ҳисобланади. Маълумки, Боку туркий давлатлар ўртасида транспорт, иқтисодиёт, таълим ва хавфсизлик соҳаларида чуқур кооперацияни илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон эса демографик, иқтисодий ва географик салоҳияти билан тизимнинг марказий иштирокчисига айланиши мумкин. Шу боис, икки давлат манфаатлари бир нуқтада кесишди.

Дарвоқе, туркий интеграция масаласи фақат маданий яқинлик билан чекланмай, иқтисодиёт ва хавфсизлик манфаатлари билан тўлдирилмоқда. Марказий Осиё ва Кавказни бирлаштирувчи транспорт йўлаклари, энергетика тармоқлари ва рақамли инфратузилмалар айнан туркий давлатлар ҳамкорлиги орқали шакллантирилмоқда. Натижада Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари институционал жиҳатдан янада мустаҳкамланяпти.

Айниқса, 2020 йил Қорабоғ қайтарилиши билан Озарбайжон минтақада янги сиёсий вазнга эга бўлди. Ўзбекистон эса Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлаш орқали Боку билан сиёсий ишончни янада мустаҳкамлади.

Фузулий шаҳрида Ўзбекистон томонидан қурилган мактаб рамзий жиҳатдан жуда муҳим лойиҳа. Тошкент шу тариқа Қорабоғни тиклашда иштирок этиши, Озарбайжон билан узоқ муддатли стратегик шерикликка тайёрлигини намоён қилди. Бошқача айтганда, фақат сиёсий баёнотлар билан чекланмасдан, жараёнда амалий саъй-ҳаракати билан иштирок этди.

Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларида хавфсизлик омили ҳам кучайиб бормоқда. Бу минтақавий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан аҳамият касб этмоқда. Афғонистондаги вазият, трансмиллий таҳдидлар, кибернетика ва логистика хавфсизлиги масалалари икки давлат манфаатларини яқинлаштирмоқда.

Хусусан, транспорт йўлаклари фаоллашгани сари хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам долзарблашмоқда. Каспий — Кавказ — Марказий Осиё йўналиши фақат иқтисодий эмас, балки стратегик коммуникация тармоғига айланяпти. Бу эса Тошкент ва Боку ўртасида хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлашув эҳтиёжини кучайтиради.

Ташқи сиёсатда ўхшаш ёндашувларга эга давлатларимиз йирик кучлар билан мувозанатли муносабат ўрнатишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам ҳеч бир геосиёсий марказга қарам бўлишни истамайди. Айни жиҳат мамлакатларимизни кўп векторли дипломатия тарафдори сифатида бирлаштиради. Бундай услуб ҳам ўзаро муносабатларни барқарорлаштирувчи омилдир.

2024 йил имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ана шу жараённинг мантиқий натижасидир. Бу ҳужжат фақат дипломатик протокол эмас, балки Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатларининг янги сиёсий формуласи ҳисобланади. Энди муносабатлар "қардош халқлар" риторикаси билан эмас, балки аниқ геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тизими билан мустаҳкамланмоқда.

Келгуси йилларда мазкур иттифоқчиликнинг муваффақияти бир неча омилга боғлиқ бўлади. Биринчидан, транспорт йўлаклари реал иқтисодий самара бериши муҳим. Иккинчидан, саноат кооперацияси чуқурлашиши керак. Учинчидан, туркий интеграция маданий платформа даражасида қолиб кетмасдан, амалий иқтисодий механизмга айланиши талаб этилади.

Асосийси, Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари ҳозир минтақада энг самарали ва тез ривожланаётган ҳамкорлик моделларидан бири сифатида тан олинмоқда. Мазкур яқинлашув тасодифий сиёсий коньюнктура эмас, балки Евроосиёда шаклланаётган янги геосиёсий муҳит, транспорт занжири ва минтақавий интеграция эҳтиёжининг табиий натижасидир.

## Хотима

Сўзимиз якунида яна бир бор ғойибона ўтмишга қайтишни ихтиёр этдик. Маълумки, Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари тарихи икки элнинг барча замонлардаги буюк мутафаккирлари ижодида акс этиб, авлодлар оша умумий мерос сифатида ўтиб келмоқда. Мумтоз адабиётимиз тарихига назар ташласак, Озарбайжон адабиётининг буюк сиймоларидан бири шоир Низомий Ганжавий ижоди ўзбек адабиётига беқиёс таъсир кўрсатганига гувоҳ бўламиз.

Нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиётининг буюк намояндаси, мутафаккир шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, илм ва адабиёт ҳомийси бўлмиш Алишер Навоий ўзининг шоҳ асари — "Хамса" достонини битаркан, Низомий анъанасини давом эттириб, ягона тилимиз қудратини намойиш этди. Кейинчалик Навоий ҳам Озарбайжон адабиётида устоз сифатида эътироф этилган. Озар адабиётининг кўркам вакилларидан бири Муҳаммад Фузулий Навоийни устоз деб унга эргашиб, ғазалларига назиралар битди. Шунинг баробарида ўзбек адабиётининг кўплаб намояндалари Фузулийни ўзига устоз сифатида билди. Умуман, Низомий ва Навоийнинг ғойибона мулоқоти ўлароқ бир занжир боғландики, бу риштанинг мустаҳкам ҳалқалари Фузулий, Насимий, Воқиф, Огаҳий, Муқимий, Хоразмий тимсолида намоён. Зеро, "Тошкентнома" битган Шайхзодани ўзбек қай даражада қадрласа, "Озарбайжон" шеъри муаллифи Абдулла Орифнинг сатрларини ҳар бир озар шундайин осон, таржимонсиз тушунади.

Ожиз фикримизни ҳеч бир калом улуғ озар шоири Низомий Ганжавийнинг асрлар қаърини ёриб, ҳамон аниқ-тиниқ янграб турган нидосидек англатолмас:

**Дўстлар дўст бўлсаю,**
**бир тин ила нафас олсалар,**
**Юз ғам чекиниб,**
**аларга сира қайтиб келмаслар.**

Асл биродарлик мудом завол кўрмагай, иншооллоҳ!

**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Бош директори,**
**Вугар АЛИЕВ,**
**Озарбайжон давлат ахборот агентлиги — АзерТАЖ Бошқаруви Раиси**




Тақдимот

# “ЮРТ ҚАЙҒУСИДА 365 КУН”

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари, жамоат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари ва журналистлар иштирок этди. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Салим Дониёров, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Шуҳрат Ориф ва бошқалар 2025 йилнинг “ўзгача отган ҳар бир тонги”дан ҳикоя қилувчи мазкур китоб мисолида Ватанимизда кечаётган чуқур ўзгариш ва янгиланишлар жараёни, хусусан, янги Ўзбекистон ғояси ҳамда унинг сиёсий архитектураси ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Қайд этилганидек, “Юрт қайғусида 365 кун” китоби Президентимизнинг 2025 йилдаги серқирра ва самарали фаолияти, давлат бошқаруви, халқаро дипломатия, иқтисодий ислоҳотлар, экологик барқарорлик ҳамда ижтимоий ҳимоя, илм-фан, таълим ва маданият каби барча соҳалардаги ишлари иқтисодий ўсиш суръати, инвестициявий фаоллик, экспорт ҳажмининг ортиши, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” сиёсатини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янги Ўзбекистоннинг глобал майдондаги нуфузи ортиб бораётгани ҳақидаги муҳим факт ва таҳлиллар ўрин олган.

Шунингдек, унда давлатимиз раҳбарининг халқ билан бевосита мулоқоти, ҳудудларга ташрифи, халқаро саммит ва музокаралардаги иштироки, стратегик шериклик алоқалари, шунингдек, экология, энергетика, рақамли технологиялар, мудофаа, уй-жой сиёсати ва маънавий-маърифий тараққиётга оид ташаббуслари яхлит тарихий жараён сифатида талқин этилган.

Йил давомида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар нашрда муайян хронологик кетма-кетликда ёритилган. Яъни тўплам ойлар кесимида тартибланган бўлиб, ҳар бир ой аввалида Президентимиз фаолиятининг асосий йўналишлари қисқача жамланган. Ундан кейин эса муҳим воқеалар, ташрифлар, учрашувлар, видеоселектор йиғилишлари, халқаро музокаралар,




ҳужжатли манбалар, таҳлилий шарҳлар ва фотолавҳалар асосида ёритилган кенг қамровли тўпламдир.

Шунингдек, китоб юртимиздаги ислоҳотларнинг тарихий миқёси, давлат бошқарувидаги янги ёндашувлар ҳамда инсон қадри устувор бўлган тараққиёт моделини акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳужжатли манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

— Бу — моҳиятига кўра ўзгача китоб. Нима учун? Сабаби, йиллар, даврлар ўтиши билан мана шундай китобларнинг қадри ошиб боради. Чунки бундай фундаментал китоблар орқали, айтайлик, 50-60 йилдан кейин ҳозирги янги Ўзбекистон ислоҳотларига баҳо бериш мумкин. Ҳеч иккиланмай айтамизки, баҳо берилганда ҳам, шубҳасиз, фақат битта баҳо берилади. Яъни ижтимоий, иқтисодий, умуман, ҳамма соҳада ислоҳотлар параллел олиб борилмоқда. Баъзи давлатларда ислоҳотлар ё иқтисодий, ё сиёсий бўлганини кўрамиз. Бизда эса, ислоҳотлар ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олган. Энг муҳими, уларнинг маркази — ядросида инсон қадри ғояси турибди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов. — Ҳар кунлик ислоҳотларга ўрганиб ҳам қолдик. Яъни халқаро мутахассислар “Ўзбекистонда оламшумул ислоҳотлар бўляпти”, дея таъкидлаётганини кўп бор эшитамиз. Лекин буни ичкаридан туриб илғаш доим ҳам осон эмас. Шу маънода, мазкур китобни мутолаа қиларкансиз, ҳайрон қоласиз: наҳотки бир йилда шунча иш қилса бўлади? Бу ҳар бир зиёли қалбида юрт қайғусида неча кун шундай яшадим деган ғоят залворли савол уйғотади. Демак, ҳар биримиз ҳар куни ислоҳотларга камарбаста бўлсак, Ватанимиз, миллий ғурури, миллий ифтихори бор ва эртанги кунга ишонадиган янги, маърифатли халқимиз юксалиш йўлидан янада дадил одимлайверади.

Тўпламнинг асосий концепцияси мамлакат тараққиётини давлат ва жамият ҳаётидаги реал ўзгаришлар, стратегик қарорлар ҳамда инсон қадри устувор бўлган сиёсий ёндашув орқали очиб беришга қаратилган. Нашрда 2025 йилда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти изчил ёритилган. Хусусан, саҳифалардан имзоланган ҳужжатлар, ташаббус ва лойиҳалар алоҳида бўлимларда батафсил шарҳланган.

Мазкур ёндашув ўқувчига йил давомида қилинган ишлар динамикасини изчил кузатиш, давлат бошқарувидаги устувор йўналишлар қандай шаклланганини ва бир-бири билан қандай узвий боғланганини яхлит картинада кўриш имконини беради. Китобда статистик маълумотлар, таҳлилий шарҳлар, иқтибослар, халқаро муносабатларга оид фактлар, фотолавҳалар ва QR-кодлар орқали берилган қўшимча материалларнинг уйғун қўллангани нашрнинг салмоғини янада кучайтирган.

“Юрт қайғусида 365 кун”ни ўқир экансиз, кўз олдингизда 2025 йилда эришилган оламшумул ютуқлар кинотасмасидаги кадрлардек тизилиб ўтаверади. Бу эса бир йилда эришилган ютуқлар замиридаги бедор тунлар, тинимсиз меҳнат, халқ ва юрт қайғусида яшаш қанчалик оғир, бироқ шарафли юмуш эканини англатади.

Жорий йил юртимизда янги давр ислоҳотлари бошланганига 10 йил тўлади. Тарихан ниҳоятда қисқа шу муддатда мисли кўрилмаган, оламшумул натижалар қўлга киритилди. Дунё саҳнасида янги Ўзбекистон руҳи, халқимиз, жамиятимиз вужудида эса янги Ўзбекистон орзуси пайдо бўлди. Шу маънода, “Юрт қайғусида 365 кун” китоби Ватанимиз тараққиёти тарихи уммонидан бир томчи, холос. Зеро, ёзилиши, айтилиши ва энг муҳими, ҳамма учун бирдек тушунарли тилда чуқур таҳлил этилиб, халқимиз эътиборига тақдим этилиши лозим бўлган жиҳатлар бисёр. Мазкур китобда эса уларнинг энг асосийларига ўрин берилган. Айни мақсадда лойиҳани тизимли давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Тўплам кенг китобхонлар оммаси билан бир қаторда сиёсатшунослар, тарихчилар, тадқиқотчилар, халқаро муносабатлар мутахассислари, журналистлар, талаба ёшлар ва янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнини чуқур ўрганишга қизиқадиган мутахассислар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

**Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ҳамкорлик



**Пойтахтимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ҳамда Халқаро миграция ташкилоти (IOM) ҳамкорлигида биринчи Тошкент халқаро миграция форуми ўтказилди.**

# МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ

## дунёнинг қаерида бўлмасин, меҳнати, билими ва масъулияти билан қадр топиши керак

“Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш” мавзусидаги мазкур форум хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни ривожлантириш мақсадида Осиё ва Европа мамлакатлари, АҚШ каби дунёнинг 40 дан зиёд давлатидан ташриф буюрган 600 дан ортиқ иштирокчини бир майдонга жамлади.

Форум миграциянинг барқарор ривожланиш ва иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили сифатида тобора ортиб бораётган аҳамиятини яна бир бор намоён этди.

Халқаро миграция ташкилотининг 2026 йилги жаҳон миграцияси ҳисоботига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 304 миллионга яқин халқаро мигрант мавжуд, шундан 168 миллиони меҳнат мигрантидир. Улар жаҳон меҳнат бозори ва иқтисодий ўсишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мигрантлар ўз оилаларига қарийб 905 миллиард доллар миқдорида пул ўтказмаларини йўналтирган.

Форум доирасида ҳукуматлар, БМТ, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан қонуний миграция йўлларини кенгайтириш, тартибли ташкил қилиш тамойилларини илгари суриш, мигрантлар ҳуқуқ ва фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, мазкур йўналишларда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, иқлим ўзгаришининг аҳоли мобиллигига таъсири каби янги глобал чақириқларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун глобал меҳнат миграцияси иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Миллионлаб инсонлар ўз юртидан ташқарида меҳнат қилиб, нафақат оиласи даромадини таъминламоқда, балки мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Айниқса, ривожланаётган давлатлар учун меҳнат миграцияси валюта тушумлари, бандлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон учун ҳам бу йўналиш стратегик аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йиллардаги фаол ва прагматик ташқи сиёсат туфайли ватандошларимиз учун меҳнат миграцияси географияси сезиларли даражада кенгайди.

38 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат ва минтақадаги энг ёш демографик таркиблардан бирига эга. Бугун пул ўтказмалари мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Айни пайтда 1 миллион 200 юртдошимиз хорижда расмий меҳнат фаолиятида.

— Биз фуқароларимиз дунёнинг қаерида бўлмасин, меҳнати, билими ва масъулияти билан қадр топишини истаймиз, — дейди Миграция агентлиги директори Беҳзод Мусаев. — Бугунги кунда Ўзбекистон БМТ томонидан Миграция бўйича глобал битим (ГСМ) мақсадларига мувофиқ миграцияни бошқариш соҳасидаги ислоҳотларни фаол илгари сураётган ва илғор тажрибаларни намойиш этаётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Халқаро миграция ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Артур Эркен форум аҳамиятига



тўхталиб, “Инсонларнинг ҳаракатчанлиги бутун дунё бўйлаб иқтисодиёт ва жамиятларни шакллантираётган бир пайтда ушбу форум миграцияни қай тарзда самарали бошқариш мумкинлигини аниқлаш имкониятини беради. Тошкент халқаро миграция форуми 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида минтақанинг халқаро миграцияни бошқаришда янада ҳамжиҳат ҳаракат қилишига ҳамда барқарор ривожланиш учун яхши бошқариладиган миграция афзалликларидан самаралироқ фойдаланишига замин яратади”, деди.

Форум якунлари бўйича халқаро иш берувчилар ва Ўзбекистон Миграция агентлиги ўртасида меҳнат мобиллигининг барқарор, шаффоф ва ўзаро манфаатли тизимларини ривожлантиришга қаратилган 20 та янги шартнома имзоланди.

Шунингдек, форум доирасида Тошкент шаҳрида хорижда ишлаш ниятида бўлган ўзбекистонликларни замонавий касб ва хорижий тилларга ўқитишга ихтисослашган “Интил” халқаро тил ва касбларга ўқитиш маркази очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур марказ ёшларни ташқи меҳнат бозорида талаб юқори касбларга тайёрлаш, хорижий тилларни ўқитиш ва халқаро стандартлар асосида малакасини шакллантиришга қаратилган.

Марказ инфратузилмаси 600 ўринли ўқув, 180 ўринли амалий машғулот хонаси, 120 ўринли имтиҳон маркази ҳамда 400 ўринли ётоқхонани ўз ичига олади. Шунингдек, фронт-офис орқали бепул консалтинг, ҳужжатларни расмийлаштириш, банк, авиакасса ва виза хизматлари кўрсатилади.

Бу ерда ҳамширалик, пайвандчилик, сантехника, электротехника, мехатроника, юк машинаси ҳайдовчилиги, HoReCa соҳаси ва ошпазлик каби йўналишларда амалий ўқув устахоналари ташкил этилган.

Тингловчилар немис, япон, корейс, рус, инглиз, итальян ва француз тилларига ўқитилади. Таълим жараёнлари халқаро стандартлар асосида ташкил қилиниб, халқаро сертификатларга тайёргарликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Интил” халқаро маркази RecrudMed, RRG, Bilding und Beruf, SBH West, Onodera ва KIA Auto Q каби хорижий иш берувчилар ҳамда рекрутинг ташкилотлари билан ҳамкорликда мақсадли ўқув курсларини очади.

Тингловчилар хорижга кетишдан олдин меҳнат муҳити ва ҳаёт тарзига мослаштирилиб, қонунчилик, маданият, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва психологик мослашув бўйича махсус тайёргарлик курсларида иштирок этади.

Марказда халқаро тил имтиҳонларини топшириш имконияти яратилган. Энг муҳими, “Интил” халқаро маркази хорижда ишлаш ниятида бўлган ҳамюртларимизни замонавий касб ва тил кўникмалари билан таъминлаб, муносиб иш топиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига хизмат қилади.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ТОБОРА ОЧИҚ ДАВЛАТГА АЙЛАНМОҚДА ВА ЎЗ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТМОҚДА

## ХОРИЖИЙ ИШТИРОКЧИЛАР БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ФОРУМИ ҲАҚИДА

**Пойтахтимизда “Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш” мавзусида биринчи Тошкент халқаро миграция форуми бошланди. Унда Марказий Осиё, Осиё, Европа ва АҚШ каби 40 дан ортиқ мамлакатнинг давлат идоралари, халқаро ташкилотлар, эксперт ва бизнес доираларининг 600 нафардан зиёд вакили иштирок этмоқда.**

Форум доирасида қонуний миграция йўлларини кенгайтириш, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқлари ҳамда фаровонлигини таъминлаш, миграция соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий меҳнат бозорлари учун малакали кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.

**Лука Бронделли ди БРОНДЕЛЛО,**
**Италиянинг “Confagricoltura” қишлоқ хўжалиги конфедерацияси вице-президенти:**

— Фикримча, Тошкентдаги ушбу форум муҳим аҳамиятга эга. Бугун биз миграция ҳақида гапирамиз, миграция эса замонавий ҳаётнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараён тартибга солиниши ва назоратда бўлиши керак.

Италия қишлоқ хўжалиги конфедерацияси “Confagricoltura” вакили сифатида айтишим лозимки, биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини тобора ривожлантирмоқдамиз. Хусусан, бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Миграция агентлиги билан яқин муносабатлар ўрнатилган. Ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур Ўзбекистонда соҳа мутахассисларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўқув-курсини якунлаган иштирокчилар Италиядаги фермер хўжаликларида ишлаш имконига эга бўлади.

Амалга оширилаётган лойиҳа ҳақиқатан икки томон учун фойдали бўлади. Биз Ўзбекистон фуқароларига Италиядаги ҳаёт билан танишиш, қишлоқ хўжалигидаги замонавий усулларни ўрганиш ва тажриба ошириш имконини яратамиз.

Италияда озиқ-овқат ва виночилик соҳаси жадал ривожланмоқда. Сўнгги ўн йилда маҳсулотларимиз экспорти икки баробардан кўпроқ ўсиб, йилига 73 миллиард еврога етди. Шу сабабли, бизга малакали мутахассислар зарур. Ўзбекистонда ўқишга, янги технологияларни ўзлаштиришга ва тажриба оширишга интилаётган кўплаб ёшлар бор. Шу боис, ушбу ҳамкорлик ҳам Ўзбекистон, ҳам Италия учун муҳим ва фойдали қадам бўлади.

Биз тўғри йўлда ҳаракат қилмоқдамиз. Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳукуматингиз билан муҳим келишув имзоланди. Биз Тошкентда қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича кучли ва замонавий марказ фаолият юритаётганини кўрдик. Ҳамкоримиз “Umana”, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Миграция агентлиги билан биргаликда амалга ошираётган ишларимиз яхши натижалар бермоқда. Менимча, биринчи мутахассислар гуруҳи яқин вақтда Италияга етиб боради.

Энг муҳими, одамларни Италияга келмасдан олдин сифатли тайёрлашдир. Биз учун улар мамлакат, маданият, тил ва касб ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши жуда муҳим. Бу, айниқса, бутун дунёда миграция жараёнлари тез ўзгараётган, шу жумладан, иқлим ўзгариши таъсири кучайиб бораётган шароитда долзарбдир. Агар бу жараёнлар оқилона ва масъулият билан бошқарилмаса, барча давлатлар учун жиддий муаммога айланиши мумкин. Шу боис, биз Ўзбекистон билан бу соҳада ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз.

Дастур иштирокчилари итальян тилини ўрганмоқда, чунки уларга мулоқот қилиш ва Италиядаги ҳаётни тушуниш керак бўлади. Шунингдек, улар касбий тайёргарликдан ўтмоқда. Биз дастлаб тракторларни бошқарадиган мутахассислар гуруҳидан бошлашга қарор қилдик. Бироқ замонавий тракторлар оддий техника эмас — бугунги кунда улар сунъий йўлдош тизимлари ва рақамли ечимлар билан ишлайдиган юқори технологик машиналардир. Замонавий қишлоқ хўжалиги тобора рақамлашмоқда ва бўлажак мутахассислар Ўзбекистондаёқ керакли билимларни олишмоқда. Улар Италияга келиб, фермер хўжаликларимизда ишлаганидан сўнг янада юқори малакага эга бўлади.

Бундай форумни ўтказиш яхши ташаббус бўлиб, Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Юқори даражадаги тадбирни ташкил этиш мамлакатнинг жадал ривожланаётганидан далолат беради. Ўзбекистон тобора очиқ давлатга айланмоқда, ўз фуқаролари учун янги имкониятлар яратмоқда ва бу катта ҳурматга сазовордир.

**Радим ЗАК,**
**Миграция сиёсати ривожи бўйича халқаро марказ (ICMPD)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий офис раҳбари:**

— Тошкент халқаро миграция форумида иштирок этиш мен учун катта шараф. Миграция сиёсати ривожи бўйича халқаро маркази Ўзбекистонда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон ICMPDнинг яқин ҳамкори ҳисобланади ва миграция соҳасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тошкентда ташкил этилган Мигрантлар учун ресурс маркази ҳам ушбу ҳамкорлик натижасидир. Шунингдек, Европа Иттифоқи молиялаштирадиган “ВОМСА” дастури доирасида чегара хизматлари билан чегараларни интеграциялашган бошқариш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистон “Prague Process” (Прага жараёни) ҳукуматлараро миграция мулоқотининг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади.

Форумда иштирок этиш, тажрибали мутахассисларнинг чиқишларини тинглаш, иштирокчилар билан мулоқот қилиш ва янги маълумотлар олиш жуда муҳим. Шу маънода, миграция соҳасида турли чақириқлар мавжудлигини, аммо уларни ҳал этишда энг муҳими тизимли ёндашув эканини қайд этиш лозим. Миграция сиёсатини шакллантирувчи давлат органлари учун инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва оилавий мажбуриятлари марказий ўринда туриши керак.

Давлатларнинг вазифаси фуқароларнинг хорижга хавфсиз чиқиши, янги билим ва тажриба олиши, кейин эса ватанига қайтиб келиб, эгаллаган кўникмалари ва маблағларини мамлакат ривожи учун ишлатишига шароит яратишдир.

Шунингдек, Ўзбекистон бу йўналишда жиддий ва тизимли иш олиб бормоқда. 2024 йилгача ҳам ҳамкорлик давом этган, аммо Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миграция агентлиги ташкил этилганидан кейин ишлар янада изчил ва самарали бўлди.

Халқаро ҳамкорлар билан муносабатлар кенгайиб бораётгани, бундай форумлар эса нафақат тажриба алмашиш, балки Ўзбекистонни ўз илғор амалиётларини намойиш этиш майдонига айлантирмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон халқаро ҳамкорликни кенгайтирмоқда, қонунчиликни такомиллаштирмоқда, замонавий ёндашувларни жорий этмоқда, ҳам меҳнат мигрантларини хорижга юбориш, ҳам хорижий фуқароларни қабул қилиш борасида тобора очиқ давлатга айланмоқда.

**Мануэль ФИК,**
**Американинг “USA Farm Labor” компанияси асосчиси ва бош директори:**

— Компаниямиз ҳукуматингиз билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда Ўзбекистон фуқаролари учун АҚШдаги қишлоқ хўжалиги соҳасида “Н-2А” дастурида қатнашиш имконини кенгайтириш устида иш олиб бормоқда. Бу ҳамкорлик АҚШдаги иш берувчилар учун ишчи кучи етишмаслиги муаммосини бартараф этиш, шу билан бирга, ўзбекистонлик ишчиларга хорижда меҳнат қилиб, даромад топиш ва турмуш шароитини яхшилаш имконини беришга хизмат қилади.

АҚШ меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кучли тизимга эга. Мамлакатда меҳнаткашлар хавфсизлигини таъминлаш, эксплуатациянинг олдини олиш ва одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунлар ва механизмлар амал қилади. Шу боис, АҚШга мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари учун 10 ойгача ёки белгиланган муддатда борадиган ўзбекистонлик ишчилар муносиб меҳнат шароитлари ва зарур ҳуқуқий кафолатларга эга бўлади.

Ишчилар оладиган даромадлар уларнинг оилалари учун муҳим молиявий ёрдам бўлиб, турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, ушбу ҳамкорлик фақат иқтисодий самара билан чекланиб қолмай, икки мамлакат ўртасида тажриба, билим ва касбий кўникмалар алмашинувини ҳам кучайтиради.

Шунингдек, америкалик иш берувчилар Ўзбекистондан ёш, меҳнаткаш ва инглиз тилини биладиган малакали ишчиларни жалб қилишдан манфаатдор. Бу АҚШнинг мавсумий қишлоқ хўжалиги меҳнат бозори учун қўшимча имкониятлар яратади.

**“Дунё” АА**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

**Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, фақат захирада турган ерларни ҳамма учун очиқ электрон аукцион савдолар орқали эркин сотиб олиш имконияти яратилди.**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Кун мавзуси

# ЕР МУНОСАБАТЛАРИ:

## 49 ЙИЛЛИК ИЖАРА ҲУҚУҚИ ВА МУЛКДОРЛИК ҲИССИ

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — аграр соҳани замонавий, рақобатбардош ва самарали тизимга айлантиришга хизмат қилмоқда.**



**Зафар МУСТАФОҚУЛОВ, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари**

Аввало, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, ерни сотиб олиш, фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ва сотишда уларга кенг имкониятлар берилмоқда. Соҳага рақамлаштириш кириб келмоқда. Пахта ва ғаллага ихтисослашган қишлоқ хўжалиги боғдорчилик, сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликларига айлантириш орқали диверсификация қилинмоқда.

Фермерлар фаолиятига маъмурий аралашувни кескин қисқартириш ва маҳсулот етиштирувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган туб ислоҳотлар натижасида соҳада янги тизим яратилди.

Жумладан, соҳани рақамлаштириш орқали қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратишда шаффоф механизм жорий этилиб, фермерларга электрон аукцион орқали ерни эркин сотиб олиш имконияти ва ижара ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолати берилди.

Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, фақат захирада турган ерларни ҳамма учун очиқ электрон аукцион савдолар орқали эркин сотиб олиш имконияти яратилди.

Ижара ҳуқуқи кафолати ўлароқ, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб ер участкаларига ҳуқуқ вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш мумкин эмаслиги белгиланди.

Фармонга мувофиқ, фермер хўжаликларининг ер ижара шартномаси унинг нотариал тасдиқланган розилик аризасига асосан томонларнинг келишувига кўра ёки фақат суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Фермерлар ижара ҳуқуқи кафолатлари Ер кодекси даражасида мустаҳкамланиб, ердан фойдаланувчининг ўз аризасига ёки суднинг қарорига асосан ижара ҳуқуқи бекор қилиниши тартиби ўрнатилди.

Президентимизнинг 2026 йил 24 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ердан фойдаланишдаги мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича тажриба-синов тариқасида бошланган янги тизимнинг ижобий натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этиш орқали яхлит тизимни жорий қилиш белгиланди.

Эндиликда ердан фойдаланиш ихтисослиги олдиндан белгиланиб, электрон онлайн аукцион савдоларга чиқарилган ва узоқ даврдан бери сотилмай турган 117,6 минг гектар ер участкалари янги тизим асосида қайтадан аукцион савдоларга чиқарилади.

Ҳар бир ҳудудда юқори қўшилган қийматга эга ҳамда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга асосланган, саноат усулидаги камида 5 тадан плантация ташкил этишга қаратилган лойиҳалар қўллаб-қувватланади.



Фармон билан шундай тартиб ўрнатилдики, 2026 йил 1 майдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари Президентимизнинг 2025 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган тартибда реализация қилинади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг таклифига асосан 50 гектардан 500 гектаргача ўлчамдаги ер участкаларини фақат саноат усулидаги плантациялар ташкил қилиш ва чорвачилик учун ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш турини белгилаган ҳолда аукцион савдоларга чиқаришга йўл қўйилади.

Аукцион савдоларга чиқариладиган ер участкаларининг бошланғич нархи ер участкаси норматив қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланади, ҳар бир такрорий савдода сотилмаган лот нархи 10 фоиздан босқичма-босқич бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорига (ер участкасини аукцион савдоларга чиқариш харажатларидан кам бўлмаган миқдорига) қадар пасайтирилади.

Ер участкаларини пахтачилик ва ғаллачилик ихтисослиги бўйича ижарага олган субъектлар жами ер участкасининг 50 фоиз қисмига нисбатан ижара ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечганда ер участкасининг ўзида қоладиган қисми учун янги тизимда белгиланган ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва янгидан 49 йилга ижара ҳуқуқига эга бўлади.

Қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари маҳаллий инвесторларга 49 йил муддатга ва “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси” масъулияти чекланган жамиятлари — дирекцияга 25 йил муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тўғридан тўғри ижарага берилади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан иккиламчи ижарага берилган ер участкаларини янгидан ўзлаштириш, қайта фойдаланишга киритиш ва улардан фойдаланиш ҳолати юзасидан йилига икки марта ҳар календарь йил якунига қадар космик мониторинг ўтказилади.

Дирекцияга ижарага берилган ер участкалари хорижий ва маҳаллий инвесторларга иккиламчи ижарага берилиши ёки берилмаслигидан қатъи назар, ер участкалари бўйича ҳисобланган ер солиғи тўлиғича дирекция томонидан тўланади.

Яна бир муҳим масала. Аввалги йилларда бўлиб-бўлиб тўлаш асосида деҳқон хўжалиги юритиш ва юридик шахс ташкил этиш учун ижарага берилган барча турдаги ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича аукцион савдоларда шаклланган қиймат ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан аниқланган лойиҳаларга тўғридан тўғри ижарага берилган ер участкаларининг баҳоланган (қўлланган коэффициентларни инобатга олган ҳолда) қийматдаги маблағлар туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетига аукцион ғолиблари ва ижарачилардан ундирилиши таъминланади.

Янги тизим асосида ижарага берилган ер участкаларида саноат усулида ташкил этиладиган интенсив боғ, токзор, анорзор, енгил конструкцияли иссиқхона, резавор мевалар, гулчилик, кўчатчилик ва сабзавотчилик плантациялари учун қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилди.

Жумладан, дирекция томонидан танланадиган, саноатлашган плантациялар ташкил этиладиган ер участкалари суғориш тизимларини яхшилаш, электр энергияси таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 1,5 миллиард сўмдан ошмаган қисми дирекция маблағлари ҳамда ер участкаларини ижарага беришдан ва нобудгарчилик тўловларидан маҳаллий бюджетларга тушадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади, бунда дирекция буюртмачи вазифасини бажариши мумкин.

Яна бир янгилик: барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга мева-сабзавотларни замонавий қадоқлаб шартнома асосида реализация қилишда қадоқлаш харажатларининг 50 фоизгача қисми Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан ин-витро усулида етиштирилган мевалар тури бўйича сертификатланган кўчат экиб, саноатлашган плантациялар ташкил этилганда ушбу кўчатларни сотиб олиш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

2026 йил 1 майдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари инвесторлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, хорижлик юридик ва жисмоний шахсларга тўғридан тўғри ижарага берилмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, хорижлик юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олиш бўйича аукцион савдоларда иштирок этиши ва қайта ижарага олишига йўл қўйилмайди.

Тасарруфида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мавжуд бўлган ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва юридик шахсларнинг улушдорлари томонидан устав фондидаги улушларни чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўғридан тўғри ёки билвосита бегоналаштиришга рухсат берилмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, ер ҳақиқий эгасига берилади. Эгасини топган ер эса ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. Фермерда мулкдорлик ва масъулият ҳисси уйғонади. Шу тариқа аграр тармоқда янгича дунёқараш шаклланиб, янгича иштиёқ пайдо бўлади. Бу эса бозорларимиз тўкинлигида, юксалаётган экспорт кўрсаткичларида намоён бўлмоқда.





Бугуннинг гапи

# БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

## маҳаллий қувват ҳам, салоҳият ҳам етарли

**Одатда йилнинг қайсидир вақти ёки муайян мавсумда аҳолининг электр энергиясига талаби доимгига нисбатан ортишига ўрганиб қолганмиз. Лекин кейинги йилларда бу тенденция ўзгарди. Энди ушбу талаб мавсум танламаяпти. Йилнинг қайси даврида бўлмасин, одамларнинг электр энергияси истеъмоли мунтазам ошиб бормоқда. Бу юртимиздаги ривожланиш, аҳоли фаровонлиги ўсиб бориши, иқтисодиёт тармоқлари равнақи каби ижобий омиллар билан боғлиқ. Аммо масаланинг бошқа жиҳати шундаки, талаб ортиши энергетика соҳаси вакиллари олдига аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш вазифасини қўяди.**



**Феруз ҚУРБОНОВ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари**

Гап 38,5 миллиондан ошиқ юртдошларимизни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳақида боряпти. Бу рақам кейинги йилларда жадал ўсаётгани кўпчиликка маълум. Қолаверса, аҳоли сони билан бирга мамлакат иқтисодиёти ҳам жадал ривожланяпти, қисқа вақтда кўрсаткичлар анча юқорилаган. Демак, электр токига талаб ҳам шунга яраша ортиб боряпти. Биргина мисол, 2016 йилда мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли 45,7 миллиард киловатт-соат бўлгани ҳолда 2025 йилда бу кўрсаткич 71 киловатт-соатга етди.

Бу рақамлар ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Талабга яраша таклифни шакллантириш учун соҳада катта ўзгаришлар, йирик ислоҳотлар кечмоқда. Аниқроғи, Ўзбекистон энергетика соҳаси охирги ўн йилда мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишига айланиб, энг кўп инвестиция жалб этилаётган тармоққа айланди. Ўтган вақтда давлатимиз раҳбари бошчилигида энергетика соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмлари яратилиб, инвесторлар учун шаффоф қоидалар жорий этилди. Охирги тўққиз йилда соҳага қарийб 35 миллиард доллар миқдорида тўғридан тўғри инвестиция жалб қилиниб, 9 гигаватт янги генерация қуввати ишга туширилгани бунинг яққол исботи. Шунга яраша мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 40 фоиз ошиб, 60 миллиард киловатт-соатдан 85 миллиард киловатт-соатга етди.

Бу юртимиз бўйлаб минглаб хонадонларга электр токи кириб борди дегани. Аслида, соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган асосий



мақсад ҳам шу — одамларни рози қилиш, аҳолининг электр энергиясига талабини тўлиқ қондириш. Аммо бу энди тармоқда ҳеч қандай узилиш, авария ҳолати бўлмайди, дегани эмас. Турли об-ҳаво шароитида бундай ҳолатлар кузатилиши табиий.

Қолаверса, йиллар давомида соҳага етарлича эътибор қаратилмагани ортидан юртимизда энергетика инфратузилмасининг асосий қисми жисмонан эскирган. Бугун тизимга катта маблағ ажратилаётгани боиси шунда. Шунинг ҳисобидан бир неча ўн йиллар давомида қилинмаган ислоҳотлар амалга ошириляпти. Янги тармоқлар тортилиб, чекка ҳудудларгача электр токи кириб бормоқда.

### Ҳар бир лойиҳа янги тармоқлар дегани

Бундай саъй-ҳаракатлар юртимизнинг барча ҳудудида фаол амалга ошириляпти. Шунинг ҳисобига аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Бундан 9-10 йил олдинги ҳолат билан ҳозирги вазиятни солиштирган ҳар қандай инсон буни яққол сезади. Чунки соҳа вакилларининг асосий мақсади айнан электр таъминоти узлуксизлигини таъминлашга қаратилган. Бу бевосита аҳоли турмуш тарзи, саноат корхоналари ривожи билан боғлиқ масала экани масъулиятни янада оширади.

Электр энергияси аҳолига электр узатиш тармоқлари ҳамда подстанциялар орқали етказилади. Шунинг учун айнан уларнинг соз ҳолатда ишлаши асосий масаладир. Бугун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти таркибидаги 14 та ҳудудий филиал ихтиёрида 35-500 киловаттли 38 минг 682 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 1672 та подстанция мавжуд. Уларнинг умумий қуввати 60 минг 341 мегаватт тўла қувватга тенг.



Аҳолига электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш учун, аввало, магистрал электр тармоқлари ҳамда подстанцияларни мунтазам модернизациялаш ва реконструкция қилиш зарур. Бу одатда инвестиция лойиҳалари ҳисобидан амалга оширилади. Аксарият йирик лойиҳаларни халқаро молия ташкилотлари молиялаштирмоқда. Хусусан, халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитни ўзлаштириш даражаси 2021 йилга нисбатан қарийб 5 баробар ошди.

Бугун ҳамкорликда 7 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун 644 миллион доллар кредит жалб қилинган. Мазкур лойиҳалар доирасида ҳудудларда 719 километр электр узатиш тармоғи тортиш ҳамда 3770 мегавольт ампер қўшимча қувват яратиш ишлари бажариляпти.

Бу борада 2030 йилгача мўлжалланган режалар ҳам бор. Улар нафақат режа, балки аниқ лойиҳалардир. Жумладан, 2030 йилга қадар магистрал электр тармоқлари ва подстанцияларни ривожлантириш ҳамда янги электр станцияларини энергетика тизимига интеграция қилиш мақсадида умумий қиймати 4,1 миллиард долларлик 119 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзланган. 18 та лойиҳа доирасида 4375 километрли умумий қуввати 500 киловатт бўлган электр узатиш тармоқлари тортилади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

### Бир қисмини муқобил энергия қоплайди

Режалар, лойиҳалар яқин бир неча йилларни қамраб олаётгани бежиз эмас. Боиси, электр энергиясига эҳтиёж кун сайин ўсиб боряпти ва буни таъминлаш учун олдиндан чоралар кўриш зарур. Масалан, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз истеъмолчиларининг электр энергияга йиллик талаби жорий 74 миллиард киловатт-соатдан 110 миллиард киловатт-соатгача ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Демак, етказиб бериш манбаларини ҳам шунга яраша ошириб бориш керак. Бу талабнинг бир қисми эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўрсаткичини ошириш ҳисобига қопланади.

Бугун мамлакатимизни электр энергияси билан таъминлаш ҳақида гап кетганида муқобил энергия манбаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани рост. Ҳар ҳолда Ўзбекистон “яшил” энергетика борасида қисқа вақтда ўз тажрибасини яратиб, минтақада етакчилик қилмоқда. Ҳатто илғор давлатлар юртимизнинг бу борадаги дадил қадамларини эътироф этиб, ушбу йўналишга иккиланмай сармоя киритяпти.

Мамлакатимизда “яшил” энергетикани ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар амалда ҳам яққол кўзга ташланяпти. Хусусан, бугун юртимиз бўйлаб умумий қуввати 5582 мегаватт бўлган 20 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси фаолият юритмоқда. Шунингдек, умумий қуввати 1545 мегаватт бўлган 12 та энергия сақлаш тизими ишга туширилди. Ушбу “яшил” станциялар 2022 йилда 434 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 10,5 миллиард киловатт-соатга етди. Жорий йилнинг шу даврига қадар ишлаб чиқарилган “яшил” энергетика қуввати ҳам 4 миллиард киловатт-соатлик кўрсаткич билан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29 фоиз юқори экани қайд этилди. Бу Ўзбекистон харитасида “яшил” энергетика қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда 2030 йилга бориб, қуёш ва шамол электр станциялари умумий қувватини 21 гигаваттга етказиб, йилига 60 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу боис, юртимизда муқобил энергия манбаларига ўтиш кўрсаткичи ҳам талаб, ҳам зарурат жиҳатидан ортиб боряпти. Саноат корхоналарини муқобил энергия тизимига ўтказиш чоралари кўрилмоқда. 2027 йилгача йирик корхоналар ва туризм масканларида 752 мегаваттли қуёш станцияси ҳамда 812 мегаваттли сақлаш қувватларини ташкил этиш режалаштирилган.

Бошқа ҳудудларда ҳам ишлар жадал бажарилмоқда. Кўплаб аҳоли хонадонлари аллақачон қуёш панелларидан фойдаланишга ўтган. Натижада юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмида қайта тикланадиган энергия манбалари ҳиссаси ортмоқда. 2023 йилда мазкур кўрсаткич 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил охирида 25 фоиздан ошди. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг барқарор ва кам углеродли энергетика келажагига содиқлигини намоён этади.

Умуман, миллий иқтисодиётимизнинг асосий йўналишларидан бирига айлангани ҳолда энергетика соҳасида маҳаллийлаштириш даражаси ошиб бормоқда. Тармоқда фойдаланиладиган қурилмаларнинг аксарияти маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариляпти. Тажрибали маҳаллий қурилиш ташкилотлари таркибида бугун 70 дан ортиқ бригада ва мингдан зиёд махсус техника мавжуд. Улар бир ойда 84 километр ва бир йилда 1000 километрдан ортиқ 500 киловаттли электр узатиш тармоқларини тортиш имкониятига эга.

Бугун мамлакатимиз энергетика таъминоти соҳасида маблағ ҳам, маҳаллий қувват ҳам, шароит ва салоҳият ҳам етарли. Фақат уларни тизимли ва мунтазам ишга солиш, янги қувватларни яратишга қаратилган лойиҳалар кўламини ошириш лозим. Олдимизга қўйилган ана шу мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш орқали юртимизда электр энергияси узлуксизлигини таъминлашга бел боғлаганмиз. Бунда замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига тежамкорликни янада ошириш ҳам асосий вазифаларимиздан.

# “ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН МУҚАДДАС ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРИШИМИЗНИ ЭШИТИБ КЎЗ ЁШИМНИ ТИЯ ОЛМАДИМ”

Меҳр меҳвари

**Инсон қадр топган жойда азиз. Бундай мукаррамлик инсонга куч, шижоат беради, жамиятда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди. Узоқ йиллик меҳнати, эл-юртга келтирган нафи сабаб қадрланса, меҳр ва эътибор кўрса, мамлакатда кўтаринки руҳ устувор бўлади. Янги Ўзбекистонда юртдошларимиз кўзида қувонч, қалбида ишонч билан яшаётганининг сири шунда. Хусусан, нуронийлар, меҳнат фахрийлари ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.**

Бу йил 100 нафар юртдошимиз Президентимиз йўлланмаси билан муқаддас ҳаж амалларини адо этиш бахтига муяссар бўляпти. Шунинг ўзиёқ юқоридаги фикримизнинг яққол далили бўла олади. Ана шундай бахтиёр инсонлар сафида Навоий вилоятидан ҳам уч нафар нуроний отахон бор. Вилоят ҳокими Нормат Турсунов Кармана туманида яшовчи, ижтимоий соҳа фахрийси Дилмурод Холовга ҳаж сафари учун Президентимиз йўлланмасини топширди.

Дилмурод Холов узоқ йиллар давомида маҳалла тизимида масъул лавозимларда самарали фаолият юритган. Ана шу йиллар давомида аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган. Кўп йиллик ҳалол ва фидокорона меҳнати учун у “Шуҳрат” медали ва “Меҳнат фахрийси” I даражали кўкрак нишонига муносиб кўрилган. Ҳозир маҳалладаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳи раиси сифатида жамоатчилик ишларида фаол.

— Қувончимнинг чеки йўқ, — дейди Дилмурод бобо. — Юртимизда инсон қадри нақадар улуғланишига яна бир бор амин бўлдим. Маҳалладаги нуронийлар билан бирга аҳоли фаровонлиги, оилалар тинчлиги ва ёшлар тарбиясига ҳисса қўшиб келяпмиз. Ҳаж зиёратига бориб келганимиздан кейин ҳам ушбу эзгу ишларни давом эттиришга ваъда бераман. Йўлланма билан ҳажга боришимни эшитиб, кўз ёшимни тўхтата олмадим.

Хатирчи туманидаги Тинчлик маҳалласида истиқомат қилувчи Азамат Мавлонов ҳам ана шундай юксак шарафга муносиб кўрилди. Қаҳрамонимиз кўп йиллар юрт фаровонлиги, маҳалла тинчлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилган. Айниқса, маҳалла раиси сифатида фаолият юритган йиллари одамларнинг дарди билан яшаб, муаммоларини ҳал этишда фидойилик кўрсатди.

— Муборак ҳаж зиёратига бориш юрагимга тугиб қўйган орзуим эди, — дейди Азамат Мавлонов. — Кутилмаганда қувончли хабар келди ва дастлаб ахир ҳеч қаерга мурожаат қилмагандим, дея ишонмадим. Лекин вилоят ҳокимлиги мутасаддилари келиб, йўлланмани топширганида ишондим. Олис қишлоқда яшасам-да, эътибор ва эҳтиромни ҳис қилдим.

Хатирчининг Маданият маҳалласида яшовчи Раҳматилло Абдураимов кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилиб, ёш авлодга таълим-тарбия берган. Муаллим шу улуғ йўлда фидойилик кўрсатиб, кўплаб шогирдларни ҳаётга тайёрлади. Доим ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга интилди. Бугун устознинг меҳнати юксак эътироф этилиб, ҳаж йўлланмасига эга бўлиши барча таълим фидойилари учун ҳам катта ҳурмат ва эътибор намунасидир.





* * *

Ҳаж сафарига йўлланма олганлар сафида Сурхондарё вилоятидан ҳам 7 киши бор.

Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий маҳалласида яшайдиган Эшмурод Чориев ҳалол меҳнат, эл-юртга садоқат ва инсонларга яхшилик қилишни ўзининг ҳаётий мезони деб билади. Қаҳрамонимиз маҳаллада ҳурмат қозонган нуронийлардан бири.

Эшмурод бобо умрини фарзанд тарбиясига, юрт тинчлиги ва маҳалла ободлигига бағишлади. Тўрт фарзандни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялади. Уларни юртимизга муносиб инсонлар қилиб вояга етказди. Ана шундай намунали ҳаёт йўли эътирофга муносиб кўрилди. Вилоят ҳокими Президентимиз табригини ўқиб эшиттириб, унга муборак ҳаж сафари учун йўлланмани тантанали равишда топширди.

— Хушхабарни эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ишлаган одам барибир қачондир давлатдан, халқдан эъзоз топаркан, — дейди меҳнат фахрийси Эшмурод Чориев. — Буни ҳаётим мисолида кўриб турибман. Ушбу эътибор оилам ва яқинларим каби бошқаларни ҳам қувонтирди.

Ботир Менглиев Ангор туманидаги Қорақир маҳалласида йиллар давомида эл-юрт учун фидокорона меҳнат қилганлардан бири. У 23 йил мобайнида маҳалла раиси вазифасида самарали фаолият юритиб, аҳоли ишончи ва ҳурматини қозонди. Кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнат эса, албатта, муносиб эътироф топди. Ботир Менглиевга махсус ҳаж йўлланмаси тантанали равишда топширилди.

Қумқўрғонлик Равшан Сафаров деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги соҳасида орттирган бой тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан маҳалла аҳли орасида алоҳида ҳурматга эга. Равшан бобонинг йиллар давомидаги сидқидилдан қилган меҳнатлари, халқ фаровонлиги йўлидаги хизматлари, албатта, бесамар кетмади. Мамлакат раҳбари йўлланмаси билан ҳаж амалларини адо этиш бахтига муяссар бўлиш арафасида.

Довуд Хўжамшукуров эса узоқ йиллар Бандихон туманидаги Саидмуҳаммад жоме масжидида мутавалли вазифасида сидқидилдан хизмат қилган. Қаҳрамонимиз меҳнат фаолияти давомида масжид ободлиги ва жамоат бирлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Шу орқали халқимизга маънавий-маърифий хизмат қилди.

— Қалбимда узоқ йиллар давомида муқаддас ҳаж зиёратига бориш ниятини асраб келардим. Бироқ ҳаёт ташвишлари ва имконият чеклангани туфайли бу орзу гўёки ушалмас армонга айланиб бораётгандек эди. Шунга қарамай, сабр ва шукроналик билан эл хизматида бўлишда давом этдим. Инсоннинг эзгу нияти ва ҳалол меҳнати ҳеч қачон бесамар кетмас экан. Президентимизнинг махсус ҳаж йўлланмаси менга ҳам тантанали равишда топширилди, — дейди меҳнат фахрийси Довуд Хўжамшукуров.

Ҳаж инсон қалбини поклайдиган, уни эзгулик, сабр-тоқат, шукроналик ва бағрикенгликка чорлайдиган улуғ ва муқаддас ибодатдир. Бу муборак сафар нафақат инсоннинг маънавий камолотига, балки жамиятда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва эзгулик муҳитини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Президентимиз номидан йўлланмаларни топшириш тадбирларида бўлажак ҳожилар муқаддас амалларни бажариш чоғида юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва эл-юрт осойишталиги учун дуолар қилишини таъкидлади. Бундай эзгу ишлар халқимиз қалбида шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлаб, юртимизда меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини юксалтиришга хизмат қилиши эътироф этилди. Зеро, инсон қадри улуғланган юртда эзгулик ва барака ҳамиша барқарор бўлади.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**




# БУХОРОИ ШАРИФ – ЯНГИЧА МЕДИА ТАФАККУР МАРКАЗИ

**Жорий йил 12-15 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган медиаҳафталик ахборот соҳаси вакиллари учун замонавий ахборот муҳитида ишлаш, аудитория билан самарали мулоқот қилиш ва янги форматларда контент яратиш бўйича муҳим амалий майдонга айланди.**




Мулоқотларда асосий эътибор ахборот тарқатиш тезлигига эмас, балки унинг ижтимоий таъсирига қаратилди. Иштирокчилар нейро-контент яратиш, рақамли психология ва кросс-платформавий моделлар каби янги йўналишларда маҳоратини оширди. Қуруқ статистикани жонли ва таъсирли ҳикояга айлантириш, минимал ресурс билан максимал қамровга эришиш тактикалари амалий машғулотлар асосини ташкил этди.

Ҳафталикнинг қамрови ва иштирокчилар таркиби соҳадаги янгиланишга эҳтиёж қанчалик юқори эканини кўрсатди. Хусусан, тадбир доирасида 60 га яқин матбуот котиблари ва ахборот хизмати ходимлари ўз малакасини оширган бўлса, 40 га яқин давлат ва нодавлат ТВ муҳаррирлари, мухбир ва тасвирчилари янги форматлар устида ишлади.

Шунингдек, 30 дан зиёд газета ва интернет ОАВ вакили, 14 нафар маҳаллий блогер ҳамда медиа оламининг янги драйверлари бўлган 80 дан ортиқ мобилограф ва 85 нафар СММ мутахассиси яхлит мақсад йўлида бирлашди. Энг муҳими, соҳанинг келажаги бўлган, контент яратишга қизиқувчи 200 нафар ёш айни жараёнлар марказида бўлди. Ҳафталик якунида ташкил этилган катта медиафорум эса 700 дан ортиқ соҳа вакиллари ва ёшларни бир майдонда жамлади.

Бухоро медиаҳафталигидан сўнг миллий медиа маконида янги сифат босқичи шаклланиши шубҳасиз. Боиси, ҳафталик иштирокчилари ўзи фаолият юритувчи идораларга фақатгина янги билимлар билан эмас, ишлаш тизимини тубдан ўзгартирувчи тайёр “йўл хариталари” билан қайтмоқда.

Контентлар марказида инсон тақдири ва ҳиссиётлари туриши кераклиги, ахборот хизматлари эса трендларни белгиловчи асосий кучга айланиши ҳафталикнинг бош хулосаси бўлди.

Медиаҳафталик энди ўз ишини Фарғона водийсида давом эттиради. Навбатдаги босқичда Фарғона ва Наманган вилоятлари параллел равишда янги ғоя ва медиаинновациялар майдонига айланади.

**Жонибек ЭРКИН ўғли,**
**журналист**

Касбий таълим

# АНИҚ МАҚСАДЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ ЁШЛАР

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 28 октябрдаги “Касбий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада янги босқични бошлаб берди. Бу орқали тизимда жуда кўп устувор йўналишлар, касбий таълим тизимини 2030 йилга қадар ислоҳ қилишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди.**

Қарор асосида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими тизимида узлуксиз касбга йўналтириш тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бунда “Атрофимиздаги касблар” дастури асосида мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаб касблар ҳақида дастлабки тасаввурлар “Касблар алифбоси”, “Касблар олами”, “Менинг келажакдаги касбим” дастурлари билан мустаҳкамланади. Сўнгги босқичда ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилияти ва иқтидори мактаб маслаҳатчилари томонидан аниқланиб, уларни академик таълим ёки касб-ҳунар йўналишларига мақсадли йўналтириш ишлари бажарилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, 2024/2025 ўқув йилида 600 мингдан ортиқ ўқувчи 9-синфни тамомлаган. Бугун улардан 161 минги ўқишни техникумларда давом эттиряпти. Жорий ўқув йилида эса 9-синф битирувчилари (622 минг)нинг 34 фоизини касбий таълим ташкилотларига жалб этиш режалаштирилган. Бу мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мос мутахассислар етиштиришга қаратилган муҳим қадамдир.

Айни кунларда ёшларнинг касб-ҳунарга қизиқишини янада ошириш, уларни касбий таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништириш мақсадида мактабларда Касбий таълим агентлиги билан ҳамкорликда “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ташкил этиляпти. Бу орқали ўқувчилар техникумлардаги замонавий моддий-техник база, жиҳозланган ўқув хоналари, амалий лабораториялар, устахона ва таълим олувчилар учун яратилган қулай муҳитни ўз кўзи билан кўряпти. Шунингдек, ёшлар ўзини қизиқтирган йўналишлар бўйича амалий кўргазмаларда иштирок этиш, технологик жараёнларни бевосита кузатиш имконига эга бўлмоқда.

Ҳадемай, битирув имтиҳонини топшириб бўлган ўқувчилар танловда иккиланмаслиги, аниқ мақсадга эга бўлиши учун алоҳида сўровномалар ўтказиляпти. Аксарият сўровномалар таҳлилидан дуал таълимга қизиқиш катта экани кўринади. Айниқса, 9-синф битирувчиларининг аксари касбий таълимнинг мазкур шаклини афзал кўрмоқда. Ота-оналар эса анъанавий техникумларни, кўпроқ назарий билим олишни ёқлайди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

### Дуал таълим афзалликлари нимада?

— Мамлакатимизда иш берувчиларнинг эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш жараёни бўйича самарали ишлар қилинмоқда, — дейди Касбий таълим агентлигининг меҳнат бозори ва таълим интеграцияси бошқармаси бошлиғи Фаррух Машарипов. — Хусусан, иқтисодиётнинг барча соҳасида малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш, ёшларнинг касб ва мутахассисликларни эгаллашга қизиқишларини инобатга олиб, ўз касбий кўникмаларини ривожлантириш учун касбий таълим ташкилотларида дуал таълим шаклида ўқитиш йўлга қўйилди. Анъанавий таълим тизими асосан назарий билимларга йўналтирилган бўлиб, амалий кўникмалар етишмайди. Шу маънода, дуал таълим тизими — таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида кадрлар тайёрлаш модели сифатида муҳим. У меҳнат бозоридаги кадрлар тақчиллигини бартараф қилиш ва янги технологиялардан фойдалана оладиган малакали ёш кадрларни етказиб беришга хизмат қилади.

Анъанавий таълимга нисбатан афзалликларини санаб ўтсак, аввало, ишлаб чиқариш ва касбий таълим интеграцияси, яъни назарий билимлар билан бирга амалий кўникмалар шаклланади. Ўқувчилар назарий билимларни реал иш шароитларида қўллаш имконига ва бу орқали иш тажрибасига эга бўлади. Шунингдек, ўқувчиларнинг меҳнат бозорига мослашиш жараёни йўлга қўйилади. Қолаверса, битирувчиларнинг ишга жойлашиш имконияти кенгаяди, иш берувчилар билан таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан касбий таълим тизимини 2030 йилга қадар ислоҳ қилишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари сифатида касбий таълим тизимида дуал таълим улушини амалдаги 9 фоиздан 40 фоизга етказиш белгиланди. Бугун техникумларда ташкил этилган дуал таълим шакли амалда таълимнинг назарий қисми, яъни 30 фоизи техникумларда, таълимнинг амалий қисми 70 фоизи корхона ва ташкилотларда ўтказилади.

### Касбий таълимга қабул режаси қандай?

2026/2027 ўқув йилида техникумларнинг қабул параметрлари тасдиқланди. Бунда 642 техникумга 373 та касб ва мутахассислик бўйича 336 минг 627 та квота берилади. Шундан 264 минг 372 таси ёки 78,5 фоизи давлат гранти. Кундузги таълимга 232 минг 837 та, дуал таълимга 99 минг 350 та, кечки таълимга 4440 та ўрин ажратилади.

9-синф битирувчилари негизида 516 та техникумга 184 минг 207 та давлат гранти асосида, шундан дуал таълимга 53 минг 960 та қабул параметрлари тасдиқланди. 11-синф битирувчилари негизида 587 та техникумга 122 минг 740 та қабул амалга ошириладиган бўлса, шундан 39 минг 180 таси дуал таълимга ажратилади.

### Ўқувчиларга стипендия тўланади

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим тизими асосида ҳар бир ҳудудда 14 та “яшил” техникум ташкил этиш ҳамда уларда дуал таълим асосида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда ҳар бир ўқувчига фанларни ўзлаштиришидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида, фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари 85 фоиздан юқори ҳамда касблар бўйича республика ва хорижий танловлар ғолиби бўлган ўқувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида стипендия тўланиши кўзда тутилган. Натижада жорий ўқув йилида дуал таълимда ўқиётган 100 минг ўқувчига стипендия тўланади.

Бундан ташқари, ўқувчининг дуал таълим шаклида ўқиган даври унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблашда инобатга олинади. Бу эса Меҳнат кодексига дуал таълим тушунчаси киритилиши лозимлигини кўрсатади.

### Иш берувчиларнинг манфаати нимада?

Аслида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида очилаётган иш ўринларида ўрта бўғин кадрларига эҳтиёж ошиши натижасида касбий таълим ташкилотларида корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида йил давомида дуал таълим шаклида ўқитиш зарурати юзага келди. Шунинг учун ҳам касбий таълим ташкилотларида иш берувчиларнинг буюртмаси асосида дуал таълим шаклида ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Бугун мамлакатимиздаги 510 та техникумда 140 касб ва мутахассислик бўйича 14 минг 300 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорликда 67 минг 400 ўқувчи дуал таълим шаклида ўқимоқда. Ўқувчиларга корхона ва ташкилотдан 17 минг 100 мутахассис амалиёт раҳбари сифатида бириктирилган. Шу орқали улар керакли кадрларни бевосита ўзи тайёрлаяпти. Мақсади аниқ, интилувчан ўқувчи эса ўқиш баробарида келажакдаги иш жойи учун кўникма ҳосил қиляпти. Бу ўз-ўзидан “таълим — ишлаб чиқариш — бандлик” занжирини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, техникумларда дуал таълимда ўқиётган ўқувчилар ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаш кўрсаткичидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига қўшимча балл бериляпти.

### Трансформациядаги энг мақбул йўл

Техникумларда дуал таълимни ривожлантириш замонавий касб-ҳунар таълимини трансформация қилишнинг энг самарали йўналишларидан. Акс ҳолда, энг ривожланган давлатлар бу усулни самарали деб топмасди. Дарвоқе, жорий йилда Германия, Швейцария, Австрияда ўзбекистонлик 20 нафар касбий таълим устаси стажировка ўтайди. Зеро, ушбу модель нафақат назарий билимлар ва амалий кўникмалар ўртасидаги узилишни бартараф этади, балки дунё меҳнат бозори талабларига мос, рақобатбардош ва тез мослашувчан кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Техникумларда дуал таълимни кенгайтириш ёшлар бандлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим стратегик омил сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жорий йилда 60 та, кейинги йил 150 та, 2028 йилда эса қолган барча касбий таълим дастурлари касбий стандартлар ва халқаро таълим дастурлари асосида янгиланиши белгиланди.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Аслида, сунъий интеллект фантастик фильмларда кўрсатилганидек, одамларни асир оладиган темир роботлар ёки қандайдир сеҳрли куч эмас. Уни соддагина қилиб “рақамли ақл” десак бўлади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 19 май, 100-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Фестиваль




# БОЙ МАДАНИЙ МЕРОС ВА ЮКСАК САНЪАТ АНЪАНАЛАРИ ИНЪИКОСИ

**Заминимиз азалдан бой маданий мерос ва юксак санъат анъаналарига эга. Айниқса, тасвирий санъат ва мусаввирлик халқ маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда ҳам рассомлар ва мусаввирларга катта эътибор қаратилиб, ижод қилиши, асарларини намойиш этиши ҳамда халқаро майдонга чиқиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.**

Хусусан, тасвирий санъатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртимизда замонавий галереялар, кўргазма заллари ва ижодий марказлар очилди. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академияси фаолияти орқали кўплаб ёш ва истеъдодли мусаввирлар қўллаб-қувватланмоқда. Академия томонидан республика ва халқаро кўргазмалар, танловлар, фестиваллар мунтазам ўтказиб келинади.

Охирги йилларда мазкур йўналишдаги ишлар янада тизимли тус олиб, янги-янги лойиҳа ва ташаббусларга қўл уриляпти. Хусусан, Андижон вилоятининг Бобур шаҳри мезбонлигида мамлакатимизда илк бор рассомлар фестивали старт олди. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур санъат байрамининг очилиш маросимида мутасаддилар ва қатор соҳа вакиллари сўз олиб, Учинчи Ренессансни мақсад қилган янги Ўзбекистонда миллий тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу халқаро жамоатчиликка юртимизнинг миллий бадиий бойликларини ҳамда ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, ижодкорларга зарур шарт-шароит яратиб, бадиий салоҳиятини ошириш, тасвирий санъатимизнинг ўзига хос жиҳатлари, анъана ва ютуқларини халқаро ҳамжамиятга намойиш қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

— Бобур шаҳрини ёшлар учун илҳом, ижодий парвоз масканига, юртимизнинг яна бир туризм ва маданият марказига айлантириш, сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришда ушбу фестивалнинг аҳамияти юқори бўлади, — дейди Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси Иброҳим Валихўжаев. — Фестивалда Қорақалпоғистон ва вилоятлардан тасвирий санъатнинг рангтасвир, бадиий фото, ҳайкалтарошлик ва графика йўналишларида тажрибага эга 200 нафарга яқин ижодкорлар иштирок этади.

Шунингдек, фестиваль доирасида тасвирий санъат йўналиши бўйича ижодий асарлар кўргазмаси, таниқли ва иқтидорли ижодкорлар иштирокида маҳорат дарслари, ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда халқаро




рассомларнинг ижод намуналари ва ютуқларини кўрсатишга кенг имконият яратаётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, Президентимиз ўтган йили апрель ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида Бобур шаҳри миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорликни акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарурлигини таъкидлаб, бу ерда рассомлар фестивалини ўтказишни таклиф қилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги “Андижон вилояти Бобур шаҳрида рассомлар фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, фестивални ҳар икки йилда бир марта ташкиллаштириш белгиланди.

— Тасвирий ва амалий санъат соҳасига бундай эътибор натижасида халқаро жамоатчиликка юртимизнинг миллий бадиий бойликларини ҳамда мусаввирлар ижод намуналари ва ютуқларини кўрсатишга кенг имконият яратилди, — дейди Бадиий академия раиси Акмал Нуриддинов. — Илк рассомлар фестивали ҳам нуфузли санъат анжуманлари қаторидан жой олади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ёш истеъдодларни миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга ундовчи муҳит яратиш, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали ижодкорлар, истеъдодли рассомларни аниқлаш, уларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириб бориш, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилишларини қўллаб-қувватлаш фестивалнинг асосий мақсади саналади.

Бундан ташқари, ўзбек тасвирий санъатининг турли йўналишларини янада илмий-амалий конференция, амалий санъат ва ҳунармандлик кўргазмалари, миллий ва тарихий либослар, бадиий дастурлар намойиши ташкил этилади.

Фестиваль ғолиблари Ўзбекистон Президенти совғаси сифатида енгил автомобиль, диплом, фестиваль рамзий ҳайкалчаси ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Шубҳасиз, ёш ижодкорларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол. Санъат мактаблари, ихтисослаштирилган лицей ва олий таълим муассасаларида тасвирий санъат йўналишлари кенгайтирилмоқда. Иқтидорли ёшлар учун грантлар, стипендиялар ва ижодий лойиҳалар ташкил этиляпти. Бу эса янги авлод мусаввирларининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, миллий анъаналарни асраб-авайлаш ва уларни замонавий услуб билан уйғунлаштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Кўплаб мусаввирлар миллий қадриятлар, тарихий обидалар, табиат манзаралари ва халқ ҳаётини асарларида маҳорат билан акс эттирмоқда. Бу асарлар нафақат юртимизда, балки халқаро кўргазмаларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар ва интернет имкониятлари орқали рассомларнинг асарлари кенг оммага етказилмоқда. Онлайн кўргазмалар, ижтимоий тармоқлар ва халқаро платформалар орқали ўзбек мусаввирлари дунёга танилмоқда. Бу эса мамлакатимиз маданияти ва санъатининг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши турган гап.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Мулоҳаза



**Бугунги шиддатли замонда ҳаёт чархи шунчалик тез айланяптики, кўз ўнгимизда юз бераётган улкан ўзгаришларнинг туб моҳиятини англашга баъзан улгурмай ҳам қоляпмиз. Айниқса, ахборот технологиялари оламидаги инқилобий янгиликлар энди шунчаки “техника мўъжизаси” эмас, балки кундалик турмушимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Бугун бот-бот қулоққа чалинадиган, бироқ кўпчилик учун ҳалиҳамон жумбоқлигича қолаётган тушунчалардан бири, шубҳасиз, сунъий интеллектдир. Ёш авлод бу янгиликни худди ҳаводек табиий қабул қилиб, ундан унумли фойдаланишга интилаётган бир пайтда ўрта ва катта авлод вакилларида бир оз ҳадик, тушунмовчилик ёки саволлар туғилиши табиий ҳол.**

# ФАНТАСТИК ФИЛЬМЛАРДАГИ ТЕМИР РОБОТ ЭМАС

## Сунъий интеллект нима ва у нималар қилмоқда?

Умрини меҳнат ва ҳаётий тажриба тўплашга бағишлаган ота-оналаримиз, технологиялардан оз бўлса-да хабардор нуроний отахону онахонларимиз сунъий интеллект аслида нима экани, у бизга дўстми ёки душманми деган саволларга ич-ичидан оддий ва халқчил тилда жавоб излайди. Яқинда ёши олтмишга яқинлашиб қолган тоғамга сунъий интеллект нималигини тушунтираман деб бир соат вақтим кетди. Шундай экан, мураккаб илмий атамаларни четга суриб, бу “мўъжиза”ни ўзбекона қарашларимиз орқали тушунтириб бериш бугуннинг муҳим вазифасидир.

Аслида, сунъий интеллект фантастик фильмларда кўрсатилганидек, одамларни асир оладиган темир роботлар ёки қандайдир сеҳрли куч эмас. Уни соддагина қилиб “рақамли ақл” десак бўлади. Бу инсоннинг фикрлаш қобилияти, мантиғи ва хотирасининг компьютер дастурлари ёрдамида яратилган ўзига хос нусхасидир. Тасаввур қилинг, шундай бир кутубхоначи борки, у дунёдаги барча китобларни ўқиб чиққан, Ер юзидаги барча тилни билади ва сиз сўраган ҳар қандай маълумотни сониянинг мингдан бир улушида топиб беради. Ёки чарчоқ нималигини билмайдиган, минглаб саҳифа ҳужжатларни бир зумда таҳлил қилиб, хулоса айтадиган моҳир ёрдамчини кўз олдингизга келтиринг. Мана шу чексиз билим ва ўрганиш қобилиятига эга тизим сунъий интеллектдир. У шунчаки буйруқни бажарувчи қуруқ машина эмас, балки худди ёш бола каби ўз хатоларидан хулоса чиқариб, кундан кунга “ақлли” бўлиб бораётган “тирик” жараёндир.



### Рақамли ақлнинг ҳаётимиздаги ўрни

Бу рақамли тафаккур бугун деярли ҳар бир соҳага кириб бориб, одамзоднинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда. Тиббиёт соҳасини олайлик: ривожланган давлатларда ақлли тизимлар шифокорларнинг энг яқин ёрдамчисига айланган. Масалан, компьютер дастурлари рентген ёки томография тасвирларини таҳлил қилиб, ҳатто, энг тажрибали шифокорнинг кўзи илғамайдиган митти ўзгаришларни, хусусан, саратоннинг илк белгиларини аниқлаб беряпти. Бу эса ҳар йили минглаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ҳам ҳайратланарли. Япония ёки Исроил каби ер ва сув қадрли давлатларда сунъий ақл тупроқнинг намлиги, об-ҳаво ва экиннинг ҳолатини ўрганиб, қачон ва қанча сув ёки ўғит беришни аниқ ҳисоблаб беради. Натижада исрофгарчиликка чек қўйилиб, мўл ва баракали ҳосил олинмоқда.

Таълим тизимида эса бу технология ҳар бир боланинг қобилиятига қараб дарс ўтиш услубини белгилаб беряпти. Хитой мактабларида жорий этилган тизимлар ўқувчининг қайси мавзуда қийналаётганини сезиб, ўқитувчига дарсни қандай ўзгартириш бўйича маслаҳатлар беради. Иқтисодиёт ва молия соҳасида миллионлаб амалларни бир зумда текшириб, фирибгарликларнинг олдини олиш, бозорлардаги нарх-навони олдиндан фараз қилиш ҳам айнан шу тизимлар зиммасида. Ҳаттоки, кўчаларда машиналарнинг ҳайдовчисиз ҳаракатланиши ҳам бугун оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳаётини янада хавфсиз ва фаровон қилишга қаратилган амалий қадамлардир.

### Келажак манзаралари ва ўринсиз хавотирлар

Келгусида бу технология ҳаёт тарзимизни бутунлай янгича ўзанга буриб юбориши шубҳасиз. Яқин ўн йилликларда инсоният ўта оғир, саломатлик учун хавфли ва бир хил такрорланадиган жисмоний меҳнатдан тўлиқ халос бўлиши кутилмоқда. Ер ости шахталарида қазиш ишлари, заҳарли кимёвий заводлардаги юмушлар ёки фавқулодда вазиятларда қутқарув ишлари тўлиқ роботлар ва уларни бошқарувчи ақлли тизимлар ихтиёрига ўтади.



Шунингдек, миллатлар ўртасидаги тил тўсиқлари ҳам бутунлай барҳам топади. Сиз ўз она тилингизда гапирасиз, митти қурилма эса сўзларингизни суҳбатдошингиз тилига ўша заҳотиёқ, ҳис-туйғулари билан мутлақо хатосиз таржима қилиб беради. Бу эса дунё халқлари ўртасидаги илм, савдо ва дўстлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқади.

Албатта, ҳар қандай буюк ихтиро каби сунъий интеллектнинг ҳам хавотирли жиҳатлари йўқ эмас. Энг кўп тарқалган қўрқув “Техника ҳамма ишни бажарса, биз ишсиз қоламизми?” деган саволдир. Бироқ тарихга назар солсак, ҳар бир янгилик ўзи билан бирга янги имкониятлар олиб келганига гувоҳ бўламиз. Бир вақтлар автомобиль чиққанда, арава ясаб тирикчилик қиладиганлар хавотирга тушган. Лекин автомобилсозлик, йўл қурилиши ва механика соҳаларида миллионлаб янги иш ўринлари очилди. Сунъий интеллект ҳам шундай: эски ва бир хил такрорланадиган ишлар камайса-да, ўрнига тизим операторлари, маълумот таҳлилчилари ва ижодий ёндашув талаб қиладиган мутлақо янги касблар пайдо бўлади. Асосийси, замон билан ҳамнафас бўлиш ва ўқиб-ўрганишдан тўхтамасликдир.

Яна бир муҳим жиҳат — ахборот хавфсизлиги. Бугун ақлли тизимлар ёрдамида кишининг овози ёки қиёфасини сохталаштириш имкони туғилди. Шундай фирибгарликлардан ҳимояланиш учун қонунларимизни бундан-да такомиллаштириш, энг муҳими, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш лозим. Одамлар нима ҳақиқату, нима ёлғонлигини фарқлаши учун бу технологияларни мактаб ёшиданоқ ўргатиш зарур. Айнан шунинг учун ҳам ёши улуғларимиз янгиликлардан ўзини четга олиши эмас, аксинча, уларнинг моҳиятини тушуниб, фарзандлари қандай дунёда яшаётганини ҳис қилишлари ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

### Учинчи Ренессанс ва тарихий миссия

Бугун Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғвор мақсад сари бормоқда. Шонли тарихимиз шуни кўрсатадики, аждодларимиз илм-фан чўққисида турганида дунёни ҳайратга солган. Қизиғи шундаки, бугунги рақамли оламнинг асоси бўлган “алгоритм” сўзи бевосита буюк ватандошимиз Муҳаммад Хоразмий номи билан боғлиқ. Демак, бугун бизни ҳайратга солаётган ушбу технологиянинг мантиқий илдизлари айнан бизнинг заминда вужудга келган. Шундай экан, бу соҳада етакчи бўлиш биз учун шунчаки иқтисодий эҳтиёж эмас, балки қон-қонимизга сингиб кетган тарихий бурчдир.

Янги Ўзбекистон ёшлари чет эл дастурларини ишлатувчи “истеъмолчи” эмас, балки жаҳон бозорига муносиб ечимлар таклиф қила оладиган кашфиётчи бўлиши шарт. Бунинг учун ёшларимизга аниқ фанларни ўргатиш билан бирга, миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ва бой тарихимизни ҳурмат қилиш туйғуларини ҳам сингдиришимиз айни муддао. Фақат замонавий билим ва миллий тарбияни жамлаган ёшларгина чинакам Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўла олади. Ёшлар таълимига ва АТ соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ҳам айнан мана шу стратегик мақсадга хизмат қилмоқда.

### Миллий ўзлик ва қадриятларни асраш долзарблигича қолади

Сунъий интеллект шиддат билан ривожланаётган даврда миллий ўзликни сақлаб қолиш — энг устувор вазифа. Глобал тармоқда минглаб маданиятлар тўқнашаётган бир пайтда гўзал тилимизни ва бой қадриятларимизни рақамли оламга кўчиришимиз ҳаёт-мамот масаласидек гап. Чунки ақлли тизимлар фақат ўзига киритилган маълумотлар асосида “фикрлайди”. Агар биз Навоий ва Қодирийлар меросини, достонларимиз ва миллий хазинамизни бу тизимларга жойламасак, эртага фарзандларимизга бегона маданиятлар таъсиридаги “ақлли ёрдамчилар” тарбия берадиган бўлиб қолади. Ёшларимиз рақамли дунёда нафас олар экан, бу муҳит ўзбекона руҳ ва миллий қадриятларимиз билан суғорилган бўлиши шарт.

Бу йўлда ёш олим ва дастурчиларимиз зиммасида улкан масъулият турибди. Биз технологияни ривожлантириш орқали нафақат бойишни, балки маънавий жиҳатдан енгилмас жамият қуришни мақсад қилганмиз. Чет элдан ёпирилиб келаётган “оммавий маданият” хуружларига қарши рақамли мудофаамиз ҳам миллий, ҳам ўта инновацион бўлиши лозим.

### Очиқ кўнгил билан тараққиёт сари

Инсоният тарихидаги ҳар қандай буюк кашфиёт — олов бўладими, атом энергиясими ёки сунъий интеллектми — ўз-ўзидан яхши ёки ёмон бўлмайди. Ҳаммаси инсоннинг ниятига ва ундан қандай мақсадда фойдаланишига боғлиқ. Тарих шуни исботладики, янгиликдан қўрқиб, ўз қобиғига ўралиб олган халқлар тараққиётдан ортда қолиб, ўзгаларга қайсидир тарафлама қарам бўлган. Аксинча, ўзгаришларни дадил қабул қилиб, уларни ўз манфаати йўлида ишлата олганлар дунё етакчисига айланган. Бугун Ўзбекистон ҳам шу йўлдан бормоқда — ақлли технологиялардан халқимиз фаровонлиги йўлида жасорат билан фойдаланишимиз лозим.

Ота-оналар фарзандлари замонавий билимларни эгаллашида уларга кўмакчи ва далда бўлиши айни муддао. Улар компьютер қаршисида ўтирганида “Шу ўрганганинг билан эл-юртга қандай фойда келтирасан?” деган олижаноб савол орқали фикрлашга чорлаши мақсадга мувофиқ. Зеро, ёшларимиз бир қўлида энг сўнгги технологияни, иккинчи қўлида эса боболаридан мерос қолган маънавиятни маҳкам тутган ҳолдагина энг баланд чўққиларни забт этишга қодир бўлади.

Сунъий интеллект — инсоният тафаккурининг бугунги кундаги энг юксак чўққиси. Бироқ илм-фан ва технология ҳар қанча ривожланмасин, доимо инсон онги, унинг меҳрга тўла қалби ва юксак руҳияти оламни ҳаракатлантирувчи олий хилқат бўлиб қолаверади.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
30761 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 02:20 Топширилди — 02:25